Туркистон бир, ватан бир

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

Туркистон

1993 йил 22 июнь • Сешанба • № 71 (14099) ترکستان • TURKİSTAN • Нархи 10 сўм.

«ЎЗБЕКИСТОН—УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВнинг Швейцариядаги «Форум фонд» халқаро иқтисодий ташкилоти IV сессиясида 1993 йил 18 июнда сўзлаган нутқи

Муҳтарам жаноб Фонд анжумани Президенти!

Хонимлар ва жаноблар!

Шу қадар мўътабар анжуманда Европа мамлакатларининг Европадан Шарқда жойлашган давлатлар билан ҳамкорлигини кенгайтириш муаммолари муҳокама қилиниши ҳозирги дунёдаги бирлашув жараёнлари барқарор ва чинакам мукаррар тус олиб бораётганининг яққол далилидир. Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам уларнинг сафига тобора кўпроқ даражада қўшилиб бормоқда.

Ҳозирги Европанинг атоқли сиёсат ва жамоат арбоблари, забардаст ишбилармонлари Совет Иттифоқи барбод бўлганидан кейин юзага келган мустақил давлатлар тараққиётининг ҳозирги босқичи мушкулотларини тушуниб, хайрихоҳлик билан қараётганликлари зўр мамнуният туйғуларини уйғотмоқда. Улар тарихий мезонлар билан фикр юритмоқдалар ва неча ўн йиллар олдинни кўрмоқдалар, мутлақо янги жўғрофий-сиёсий воқеликлар рўй бераётганини фаҳмлаб олмоқдалар, Европадаги бирлашув жараёни Урал тоғлари теграсида тўхтаб қола олмаслиги ва тўхташи ҳам мумкин эмаслигини жуда яхши англамоқдалар.

Европа ва бутун дунё билан ошкора, ҳалол ва ўзаро манфаатли алоқаларга тайёрлик халқимизнинг қонига сингиб кетган деса бўлади. Ўзбекистон Марказий Осиёнинг қоқ ўртасида жойлашган ва шундай жўғрофий-сиёсий мавқени эгаллаб турибдики, азалдан Ғарб билан Шарқ айни шу ерда бир-бирига туташган. Осиё билан Европани боғловчи энг муҳим карвон йўллари қадим замонлардан буён бизнинг диёримиздан ўтган. «Буюк ипак йўли»ни эслаш кифоя, унинг анъаналари ҳозирги воқелигимизда қайтадан тикланмоқда.

Ҳозир Ўзбекистон — жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзоси. Республикани дунёдаги салкам 160 та мамлакат тан олди, 60 та давлат билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди. Биз Германия, Швейцария конфедерацияси, Австрия, Нидерландия қироллиги, Финляндия, Туркия ҳамда Европанинг бошқа давлатлари билан узоқ муддатли ва истиқболли муносабатларни йўлга қўйдик.

Бирлашув жараёнларига қўшилиш, бир томондан, жамиятдаги барқарорлик ва мўқимликни, иккинчи томондан эса иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар изчил амалга оширилишини ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун ишончли кафолатлар яратилишини талаб қиладики, биз буни жуда яхши тушуниб турибмиз.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган қарийб икки йил осон бўлмаганини рўй-рост айтмоқчиман. Бутун жамиятни ўзгартиришнинг бошқа давлатларда юз йиллар давом этган бениҳоя мураккаб жараёнларини биз тарихан қисқа муддатларда бошдан кечиришимиз лозим эди. Эски тузум бизга оғир мерос ва мажруҳ, бир ёқлама иқтисодиётни қолдирди. Бизнинг минтақамиз Чор Россияси томонидан босиб олинганидан кейин ва совет даврида ҳам аслида арзон хомашё ва стратегик минерал бойликлар етказиб берадиган ўлка, тайёр маҳсулот сотиладиган қулай бозор бўлиб келди. Шу сабабли биз мамлакатни шунчаки ислоҳ қилибгина қолмай, айни вақтда жамият парчаланиб кетишига йўл қўймаслик, ислоҳотларнигина эмас, давлатнинг ўзини хавф остига қўйиши мумкин бўлган ижтимоий ларзаларнинг олдини олиш учун иложи борича ҳамма ишларни қилишга мажбур эдик.

Мана шу бениҳоя мураккаб шароитда биз ўзимизнинг янгиланиш, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизни ишлаб чиқдик. Ўтиш даври қийинчиликларини бартараф қилиш концепциясининг пойдеворини ташкил этувчи бешта қоида, шу йўлга асос қилиб олинди. Бу қоидаларнинг моҳияти қуйидагилардан иборат:

БИРИНЧИДАН, иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак, ҳам ички, ҳам ташқи иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли этишни таъминлаш зарур.

ИККИНЧИДАН, давлат асосий ислоҳотчи бўлиши керак, у энг муҳим соҳаларни белгилаб бериши, ислоҳотлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчил амалга ошириши, жаҳолатпарастлар ва консерваторларнинг қаршилигини енгиши лозим;

УЧИНЧИ ҚОИДА — қонуннинг устунлиги. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул этилган янги конституция ва қонунларни истисносиз ҳамма фуқаролар ҳурмат қилишга ва уларга риоя этишга мажбурдирлар;

ТЎРТИНЧИДАН, фуқароларнинг нуфузини эътиборга олиб, кучли ижтимоий сиёсат амалга оширилиши керак. Аҳолининг салкам 50 фоизини 18 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алоҳида аҳамияти бор;

БЕШИНЧИДАН, бозор иқтисодига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, ўтмишдаги «инқилобий сакрашлар»га йўл қўймай, яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб ва босқичма-босқич амалга оширилиши керак. Охир оқибатда ислоҳотлар номига ўтказилмайди, уларнинг асосий мақсади жадаллик эмас, балки одамларнинг фаровонлигидир.

Хўш, биз танлаб олган йўлнинг илк босқичида қандай асосий натижаларга эришилди? Бугун мен комил ишонч билан айта оламанки, мазкур қоидаларнинг рўёбга чиқарилиши минтақада барқарорликни, жамиятда осойишталикни, фуқароларнинг тотувлигини таъминлаб, бошқа минтақаларда бўлаётганидек миллатлараро можароларнинг олдини олиш имконини берди. Жамиятни янгилаш йўлида муттасил илгарилаб борилаётгани эса энг муҳим натижадир.

(Давоми 3-бетда).

Ислоҳотлар муваффақияти—истиқлол кафолати

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 14—15 июнь кунлари Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлиб, ижтимоий-сиёсий аҳвол ва ислоҳотларнинг қандай амалга оширилаётгани билан яқиндан танишди. Вилоят раҳбарлари, фаоллари, хўжаликлар раҳбарлари, деҳқонлар, фермерлар ва ёшлар билан учрашди. Бу учрашувларнинг бевосита Голландия сафаридан кейин ўтгани ҳам бежиз эмас. Голландиядай қишлоқ хўжалиги ўта ривожланган мамлакат билан республикамиздаги аҳволни таққослаб кўриш натижасида мавжуд камчиликлар янада яққол кўзга ташланади. Қишлоқ хўжалигини оёққа турғизиш учун айнан нима ишлар қилиш кераклиги ойдинлашади.

Мамлакатимиз Президенти Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида бўлган чоғида қишлоқ хўжалигида чуқур ислоҳотлар ўтказмасдан, дунёдаги илғор мамлакатлар ҳамда ўзимизда мавжуд илғор технология ва илм-фан ютуқларини жорий этмай туриб тараққиётга эришиб бўлмаслигини уқтирди. Бу борада, айниқса, яқинда ўзи сафарда бўлиб қайтган Голландия қишлоқ хўжалиги эришган ютуқлардан ибрат олишимиз зарурлигини айтди.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун янги иш жойларини яратмасак, меҳнатни ташкил этишнинг янги усулларини тезроқ жорий этмасак, ислоҳот тўғрисидаги гапларимиз чўпчак бўлиб қолаверади. Мулкни давлат тасарруфидан чиқармай, хусусийлаштирмай туриб, эски тузумдан мерос қолган бюрократизм, тенглаштириш каби иллатлардан қутулиб бўлмайди. Кўпчилик хозирги кунда мулкни хусусийлаштириш деганда фақат ерни тақсимлаб беришни назарда тутади. Бу тўғри, лекин хусусийлаштиришдан олдин кўплаб янги иш жойлари ташкил этиб, одамларни маиший хизмат, саноат, қурилиш каби соҳаларга жалб этиш керак. Қишлоқларда етиштирилаётган маҳсулотларни қайта ишлаш корхоналари қуриш, четга хомашё ўрнига тайёр маҳсулот чиқариш лозим. Янги иш жойлари қишлоқларнинг ўзида ва кўплаб ташкил этилиши керак.

Ёшлар хорижга чиқсин, ўқисин, ишлаб малака орттирсин. Қолаверса, ўша ёқларда ҳам ўз корхоналарини очсин. Ҳамма ерга, пахтага ёпишиб олгани билан косамиз оқармайди. Дунёдаги илғор мамлакатлар тажрибаси, ишлаб чиқариш ва деҳқончилик маданиятини ўша ерларнинг ўзида ўрганиб келиш ҳамда уларни ўлкамизда жорий этишни йўлга қўйиш лозим.

Бугунги кунда одамлар фаолиятини кўпроқ хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш керак. Афсуски, бу соҳада Қашқадарё вилояти анча орқада қолиб кетган. Хоразм вилояти ёки Самарқанд вилоятининг Ургут туманида савдо-сотиқ, тадбиркорлик ишларини ривожлантириш, савдо ҳамда маиший хизмат шоҳобчаларини хусусийлаштириб бериш, шахсий дўконлар қуриш ишлари анча яхши йўлга қўйилган.

Ислом Каримов Хоразм вилоятининг қўшни Туркманистон жумҳуриятига туташ аҳоли пунктларини бориб кўрди. Аҳолининг турмуш шароити билан танишди. Давлат божхона қўмитасининг Хоразм вилояти бошқармасига қарашли айрим постлар фаолиятидаги камчиликларга эътиборни қаратди. Божхоналар мамлакат бозорини ҳимоя қилиш воситаларидан биридир. Лекин улар фаолиятидаги нуқсонлар ўзимизда ҳам тақчил бўлган кундалик истеъмол маҳсулотларининг ғайриқонуний равишда четга олиб чиқиб кетилишига сабаб бўлмоқда.

Ислом Каримов, айниқса, Ўзбекистон ва Туркманистон чегарасида яшовчи халқларнинг дўстлигига алоҳида эътибор бериш зарурлигини қайд этди. Марказий Осиё мустақил давлатлар раҳбарлари юритаётган сиёсат халқларимиз дўстлигига путур етказмаслиги керак. Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари ўзаро келишган ҳолда сиёсат юритсалар, бугунги қийинчиликларни енгиш анча осонлашар эди. Айниқса, нарх-наво сиёсати ва миллий валютани муомалага киритиш чоғида бу жуда муҳимдир. Азал-азалдан чегара нималигини билмаган ҳудудларда мажбурий чора сифатида божхоналар ўрнатилмоқда. Агар биргалашиб сиёсат юргизилса, бунга ҳожат қолмайди.

Ҳар бир мустақил давлат ўз миллий валютасини хоҳлаган пайтда муомалага киритиш ҳуқуқига эга. Бироқ бу қўшни республика ҳисобига бўлмаслиги керак. Фуқаролар эса товар билан таъминланмаган пулларга алданмасинлар. Четдан оқиб келаётган бугунги «рубль» эртага қуруқ қоғозга айланиб қолиши ҳеч гап эмас.

Мамлакатимиз Президенти Қашқадарё вилояти фаоллари билан учрашган чоғида мазкур омилга алоҳида урғу берди. Мен, деди Президент, Қашқадарёга келишдан олдин вилоят халқ хўжалигининг шу йилнинг дастлабки беш ойи якунлари билан танишиб чиқдим. Ютуқлар ҳам бор, албатта. Лекин бугунги кун талабига кўра, ҳар бир натижа ёки кўрсаткичга танқидий кўз билан, янгича мезонлар билан қарашни ўрганишимиз керак.

Қашқадарёнинг мамлакатимиз иқтисодиёти, ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётидаги ўрни бўлакча. Бу ердаги кайфиятни билиш республикамизнинг аксарият қисми аҳолиси кайфиятини билиш демакдир. Афсуски, Қашқадарёда ислоҳотларнинг амалга оширилиши суст, мутлақо қониқарсиз. Фақат ғўзани культивация қилиш тўғрисидаги тажрибаю билимлар билан эндн раҳбарлик қилиб бўлмайди.

Вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишни пайсалга солиш ярамайди. Ҳар бир иш суръати, аввало, унинг бошида турган биринчи раҳбарга боғлиқ.

Янги иш услубига ўтмаган миллий истиқлол мафкурасини тўла англаб етмаган, халқ манфаатлари йўлида кўкрагини қалқон қилишга тайёр раҳбарлар бўлмаса, ислоҳотлар бир жойда депсиниб турaверади. Шаҳрисабз туманида Жўра Элбоев номидаги жамоа хўжалигининг раиси пахта навини айтишда хато қилмади. Аммо, даромад ва иш ҳақи нима эканини фарқлай олмади. Деҳқонлар даромадини кўпайтириш манбаларини санай билмади.

Бугун раҳбардан талаб қилинадиган нарса ташаббускорлик, илғор меҳнат маданияти тажрибасини жорий этишда фидойилик, одамлар кайфиятини билиш, улар ташвиши билан яшаш, янги иш жойларини яратиш, халқнинг маънавий ва моддий фаровонлигини таъминлашдир.

Президент кадрлар фаолиятига баҳо бериб, уларни уч тоифага бўлди. Биринчи тоифа — эски тузумни қўмсаб юрган кишилар. Иккинчиси энг хавфлиси — имонсиз, эътиқодсиз кишилар. Бундайларга Ватан манфаати бегона, улар шахсий ҳузур-ҳаловат, мансаб учун ҳеч нарсадан тоймайдилар. Ватан манфаати, мустақиллик манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган, қалбида ўти ва эрк туйғуси бор. ғайратли, куюнчак яна бир тоифа кадрлар борки, менинг бутун умидим ва ишончим ана шулардан, деди Президент. Булар ҳозирча озчиликни ташкил этади, тажрибалари ҳам кам. Лекин мен Президент сифатида етишиб келаётган мана шу фидойи, қалби олов авлод вакилларининг жой ларда раҳбарлик қилишини истайман. Ҳар бир раҳбар биз таклиф этаётган ислоҳотларни қалбдан ҳис этсин, уни бажаришга қодирми-йўқлигини ўйлаб кўрсин, қадамини шунга қараб қўйсин.

Ислоҳотлар жабҳаси кенг. У нафақат иқтисодиётни, балки сиёсий ва маънавий соҳаларни ҳам қамраб олади. Ҳеч бир соҳа эътибордан четда бўлмаслиги керак. Айниқса, маънавият билан жиддий шуғулланиш вақти келди.

Мамлакатимиз Президенти Хоразм вилояти ёшлари билан йўл-йўлакай учрашиб, ораларингизда аскар бўлишни истовчилар ҳам борми, деб сўраганида ҳудди шуларни назарда тутган эди. Бизга бугун фақат деҳқон ёки ишчиларгина эмас, мустақиллик ҳимоячилари — малакали зобитлар ҳам, халқимизнинг маънавиятини камол топишига хизмат қиладиган етук асарлар яратувчи адиблар ҳам, миллий гўрурни тарбияловчи мукаммал шеърлар ҳам, санъат асарлари ҳам керак. Энди нуқул пахта ҳақида бахслашмасдан, халқимиз маънавиятини юксалтиришга эътиборни кучайтирайлик. Комил инсонлар билангина юртимиз баркамол бўлиши, азалий куч-қудрат ва шуҳратимизни тиклашимиз мумкинлигини унутмайлик.

(Ҳисобот қисқартириб босилди).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати.

ОТ-АРАВАЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Марғилон трактор таъмирлаш корхонасида от-аравалар тайёрланмоқда. Ёнилғи, мой ва эҳтиёт қисмларнинг нархи тобора кўтарилиб бораётган бугунги кунда мазкур аравалар жамоа ва давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари ва аҳолининг шахсий юмушлари учун жуда қўл келади.

СУРХОНДАРЁДА ГЭС ҚУРИЛАДИ

Айни пайтда вилоятдаги кишилар электр энергияси тақчиллигидан юрак олдириб қолишган. Хўш, бу муаммони ҳал қилишнинг бирор чораси топиларикин, деган масала кўндаланг бўлиб турар эди.

«Тўпаланггидрострой» трестига қарашли Тўпаланг қурилиш-монтаж бошқармаси бунёдкорлари бу мураккаб вазиятдан чиқиш йўлларини изламоқдалар. Уларнинг катта нияти — яқин вақт ичида ГЭС қуриш.

Бу кийин ва масъулиятли иш Виктор Шабанов ҳамда Муҳаммадбоқи Жумақулов каби тажрибали қурувчилар зиммасига юклатилган.

ҲАР ХОНАДОНГА — 50 ТАДАН ТОВУҚ

Шўрчи район ҳокимининг ташаббуси билан яқинда ҳар бир хонадонда 50 тадан товуқ боқиш йўлга қўйилди.

Эндиликда шўрчиликлар гўштга зориқмайдиган бўлишди.

МАНСАБ ҮТКИНЧИ...

Нормат Қорақулов мансабга қизиқмайдиган одам. У катта вазифани бамисоли қўлнинг кири, ўткинчи бир нарса, деб билади, сунъий равишда, чиранib унга талпинишни ёмон кўради. Шу боисдан бўлса керак, Термиз шаҳар халқ суди яқинда уни Денов шаҳар халқ таълими бўлими мудирлиги лавозимига қайта тиклаганида мансаб курсисига яна ўтиришни хуш кўрмади. Айни пайтда у шаҳардаги ҳунар-техника билим юртларидай бирига раҳбарлик қилаётир.



ХАТИРЧИДА ЗЎР БАЙРАМ БЎЛДИ

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ИККИ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ХАТИРЧИ ТУМАНИДА «ТУРКИСТОН» ГАЗЕТАСИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ ЁШЛАР БАЙРАМИНИ ЎТКАЗДИ

Фақат «зўр» дейишнинг ўзи камлик қилади. Зўрдан ҳам зўр бўлди. «Ҳали бунақаси бўлмаган». Бу гапни хатирчиликлар ҳам, «туркистон»чилар ҳам таъкидлашди. Гарчи бизга ҳамсафар бўлиши керак бўлган айрим дўстларимиз узрли сабабларга кўра бориша олмаган бўлсалар-да. Гарчи биз кутилган ва кутилмаган сабабларга кўра айтилган вақтдан уч соат кеч қолиб борган бўлсак-да. Барибир зўр бўлди.

Ўзбекистон халқ артисти, халқимизнинг севимли санъаткори, фидойи инсон Зикр ака Муҳаммаджонов айтмоқчи: «Бугунги иқтисодий бўҳрон шароитида халқ билан шундай учрашувлар ўтказиш, ўтиш даври қийинчиликларининг бошидан кечираётган халқнинг кўнглини озгина бўлса-да, кўтариш, ҳар кимнинг қўлидан келадиган иш эмас. Айни даврда Хатирчидагидай учрашувлар, байрамлар ўтказиш учун журъат керак. Жасорат керак. Бир сўз билан айтганда, ушбу тадбирлар аввало Хатирчи тумани раҳбарларининг ишбилармонлиги, халқига ҳурмати, заҳматкаш деҳқон меҳнатини қадрлай билишидан далолатдир. Қани энди ҳамма ташкилотлар, идоралар, туманлар-у хўжаликлар раҳбарлари хатирчилик элбошилардай бўлишса. Халқни фақат ишлатиш эмас, уни маънавий ҳордиқ чиқариши ҳақида ҳам бош қотиришса. Бу мустақил ўзбек тупроғининг келажаги порлоқ манзилига яқинлашувини тезлаштирарди. Ушбу тадбирни ўтказишнинг яна бир асосий «айбдори» «Туркистон» жамоаси қайдай инсонлардан иборат эканлиги эса, ҳаммамизга маълум»...



Бу сўзлар Хатирчи туманидаги марказий ўйингоҳда ўтказилган биринчи учрашувимизда янгради. Аввал хабар берганимиздек, «туркистон»чилар илк учрашувни тумандаги битирувчи синф ўқувчилари билан ўтказишди. Марказий ўйингоҳдаги байрамимиз эса «Туркистон»нинг «Ижодкор» ва Хатирчининг «Ёшлик» футбол жамоалари ўртасидаги учрашув билан бошланди. Биз газетчилар ҳар томонлама бошқалардан олдинроқда юришимизга қарамай, айни футболда сира омадимиз юришмайди. Бу гал ҳам шундай бўлди. Командамиз ютқазиб қўйди. Футбол ўз оти билан футбол-да. Бу ўйинда сен меҳмон, мен мезбон деган гап-



кашлари ҳузурида ўтказдик...

БЎЛИБ ЎТГАН учрашувлар, мулоқотлар ҳақидаги батафсил ҳисоботни газетамизнинг кейинги сонларидан бирида ўқийсиз. Бу эса, ҳозирча хамир учидан патир...

Ислом ҲАМРО,
Муҳаммад АМИН,
(суратлар),
«Туркистон» мухбирлари.





ФАРҒОНАЛИКЛАР БИРИНЧИ

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА биринчи бор ўтказилган «Учадиган авиамоделлар» деб номланган ёшлар мусобақаси Тошкент шаҳрида бўлди. Унда вилоятлардан ўнтадан терма командалар иштирок этишди. Ёшларнинг билимлари, ижодкорликларини синовдан ўтказган бу мусобақада фарғоналиклар биринчи ўринни эгалладилар.

Бу муваффақиятда Фарғона вилояти терма командасининг бош тренери, спорт мастери Геннадий Терёхиннинг хизматлари катта бўлди.

Шахсий кўрсаткичлар бўйича синовда ҳакамлар ҳеч иккиланмай резина моторли моделлар устаси Фарғона шаҳар 23-ўрта мактабининг 10-синф ўқувчиси Руслан Сафиуллович мутлоқ голиб деб топдилар.

ЛИЦЕЙДАГИ УЧРАШУВ

ФАРҒОНА РАЙОН қишлоқ хўжалиги лицейида буюк сиймо Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд таваллудига 625 йил тўлиши муносабати билан кеча бўлиб ўтди.

Таниқли шоира Малика Мирзаева, Фарғона Давлат дорилфунунининг доценти Муҳаммаджон Матғозиев, шоир Исмоил Маҳмуд Нақшбандий тариқатининг асосчилари ва давомчилари ҳақида сўзлаб беришди.

«Туркистон» ва ЎзА мухбирлари.

Мактабдош тўрт қаҳрамон





Ҳужжатлар ва суратлар — жонли тарих. Уларга битилган сўзлар ўтмиш йиллар садосини, тасвирлар эса бетакрор давр нафасини уфуради. Фақат шугина эмас, кишига изланиш, учрашишга интилиш иштиёқи ўтини ҳам қалбга ёқади. Республикамиз пойтахтидаги Сағбон кўчасига жойлашган Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-мактаб бу йил ташкил топганлигининг 80 йиллигини нишонлайди. Ҳозир шу санага қизғин тараддуд бораяпти. Унинг босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, суратлар жамланмоқда.





Суратлар ва ҳужжатлар. Ҳар бири бир тарих, инсонлар тақдирига шаҳодатнома. Уларни кўздан кечира туриб, нодир бир сурат эътиборимизни ўзига тортди. Унда ҳозир халқ артисти, кинорежиссёр Малик Қаюмов (биринчи суврат) ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари Абдуфаттоҳ Восиқов (иқкинчи суврат), Солиҳ Умаров (учинчи суврат) ҳамда Икромжон Акмалов (тўртинчи суврат) (1922—1979 йил)ни аниқладик. Уларнинг ҳаммаси Уруш ва Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишган.

Шу қаҳрамонлар билан учрашиш, улар ҳақида ҳикоя қилиш ниятини йўлга отлантирди. Биринчи мулоқотимиз Малик Қаюмов билан бўлди.

— Мен 1912 йилда Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Кўнжон (ҳозирги Муқимий) маҳалласида ўқимишли оилада дунёга келдим, — дея ўз ҳикоясини бошлади Малик ака. — Оиланинг кенжатой эрка ўғли эдим. Аммо уч ёшимда отам вафот этиб, оиламиз оғир аҳволга тушиб, беш бола етим қолдик. Онам бечора жияк, баҳолар билан тугатгач, техникумга кириб ўқишни давом эттирдим ва бўш вақтимда яна студияга бориб, тасвирчиларга қараша бошладим. Шу сабаб бўлиб, кино олувчи — режиссёр бўлиб кетдим.

Дастлабки фаолиятимни 1929 йилда Тошкент «Шарқ юлдузи» кино фабрикасида киноартисти, сўнг кинооператорга ёрдамчи бўлиб ишлашдан бошладим.

Ниҳоят, 1930-32 йилларда Бутуниттифоқ кинематография институтида таълим олгач, Малик Қаюмовнинг ижодий фаолиятида катта ўзгариш бўлди. 1932 йилдан Тошкент кинохроника студиясида оператор, 1941 йилдан ҳужжатли фильмлар Марказий студиясининг Улуғ Ватан уруши фронтларидаги ҳарбий кинооператори, 1946 йилдан Тошкент бадиий ва ҳужжатли кинохроника фильмлар студиясида кинооператор, 1961 йилдан Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар студиясининг директори бўлиб ишлаб келди.

Ҳозир Малик ака Қаюмов 80 ёшдан ошган бўлса-да, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида раҳбарлик қилиб келаяпти.

Малик ака Қаюмов билан суҳбатлашган вақтимизда сўзининг охирида шундай деди:

— Мен 60 йилдан ортиқ ўзбек киносида актёр, кинооператор, студия директори бўлиб ишлашим билан бирга, дунёнинг барча давлатларида бўлдим. Менинг лентага туширмаган бирорта давлатнинг Президенти, подшоси, санъат юлдузлари, олимлари, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси қолмади. Буларнинг ҳаммаси менинг таржиман ҳолимни ва босиб ўтган йўлимни акс эттирувчи ягона асарим — «Менинг ҳаётим — кинематография» китобимда акс эттирилган. Минг афсуски, ўзим биринчи бор илм олган, тарбияланган қадрдон мактабим, устозларим ҳақида бирорта ҳужжатли фильм яратишга вақтим бўлмади. Анча вақтдан буён шу камчилигимни ювиш учун ўйлаб юрибман. Шу йил мактабнинг 80 йиллик юбилейи бўлишини эшитдим. Шу муносабат билан албатта шогирдларимни ишга солиб, ҳужжатли фильм яратишга ҳаракат қилмоқчиман. Саломат бўлсак бўлди.

24-ўрта мактаб қалдирғоч ўқувчиларидан бири Абдуфаттоҳ ака Восиқов бўлиб, у киши ҳам Малик Қаюмов билан бир синфда ўқиган. 1924 йилда Малик ака Шайхонтоҳурдаги мактабга кетиб қолгач, Абдуфаттоҳ дўстидан ажраб қолганлиги туфайли орадан бир йил ўтгач, қишлоқ хўжалик техникумига ўқишга киради. Аммо қадрдон дўсти билан доимо яқиндан алоқада бўлиб келади. Малик Қаюмов ўз қизиқиши бўйича кинорежиссёр бўлиб кетди. Абдуфаттоҳ Восиқов эса қишлоқ хўжалиги ишларига қизиқиб, дастлаб фабрика, завод билим юртида ва ишчи ёшлар мактабларида ўқитувчилик қилди. 1938-1939 йилларда Урганч шаҳридаги 2-ўрта мактабда директор лавозимида ишлади. 1939-43 йиллар орасида Урганч шаҳар халқ маорифи бўлими, сўнг вилоят халқ таълими мудири вазифасини бажарди.

Маълумки, бу вақтда Улуғ Ватан урушининг энг даҳшатли жанглари борарди. Фронт учун забардаст жангчилар зарур эди. Шу туфайли Абдуфаттоҳ Восиқовни 1943 йилнинг май ойида 1 Украина фронтига жўнатишади. У 44-ўқчи дивизиясининг 182-ўқчи взводида командир бўлиб жанг қилади.

— Бу фронтдаги қонли жангларни эсласам, юрагим орқамга тортиб кетади. Ҳа, ўн дақиқа олдин суҳбатлашган дўстим бир нафасда йўқ бўларди. Душман томонидан тинимсиз ўққа тутиш, бомбардимон қилиш, тўплардан отилган снарядлардан бутун дивизия тўзиб кетарди. Жангдан сўнг эса кўпгина дўстларимиздан бутунлай ажраб қолардик. Яна тонг ёришмасдан жангга кирардик. Хуллас, оғир жанглардан бирида қаттиқ жароҳатландим. Икки оёғимга тўп ўқи парчаси кириб, бир неча ой госпиталда даволандим. Ниҳоят 1944 йилнинг августида қўш қўлтиқтаёқ билан Тошкентга етиб келдим. Бироқ, оёққа тургач, мени 1945 йил январида Урганч шаҳри раҳбарлик лавозимига ишлашга таклиф этишди.

Абдуфаттоҳ ака Восиқов қаерда ишламасин, ўша ерда тез бирор бир янгиликни юзага келтирар ва жамоанинг обрў-эътиборини қозонарди. Унинг янги корхоналарни ташкил қилишга, қишлоқ хўжалигига хизмати кўп сингган. Айниқса, Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрининг фирқа қўмитаси биринчи котиби бўлиб ишлаганда қўриқ ерларни ўзлаштиришда, янги жамоа ва давлат хўжалигини ташкил этишда, боғ-роғлар яратишда жонбозлик кўрсатди.

Давлат Абдуфаттоҳ аканинг бу яхши хизматларини тақдирлаб, Меҳнат Қаҳрамони унвонини берди. А. Восиқов 1972 йилда қарилик нафақасига чиққан бўлса-да, раҳбарликнинг талаби билан яна 5-10 йилча ишлади. Ҳозир шахсий нафақахўр, кексалик ғаштини сурмоқда.

Шу мактабдан чиққан яна бир қаҳрамон — Солиҳ ака Умаров. У 24-мактабда 1928-1935 йилларда таълим олган. Шундан сўнг ўқитувчи бўлиш орзусида Тошкентдаги 1-сон педагогика билим юртига ўқишга киради, уни 1938 йилда тугатгач, қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилади. 1940 йилнинг кузида эса армия сафига чақирилади.

Солиҳ ака Умаров билан суҳбатлашиб, у киши қандай қилиб қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлганлигини сўзлаб беришни сўрадик.

— Ҳа, қаҳрамон бўлиш осон эмас, — деди Солиҳ ака. — Мен уруш бошланган кундан то ғалаба кунигача жанг майдонидан чиқмадим. Оғир, энг оғир даҳшатли жанг майдонларида чиниқдим. Москва, Ленинград ва бошқа фронтларда бўлдим...

Бизнинг зиммамизга қандай бўлса ҳам Гитлернинг дам олиш қароргоҳи ҳисобланган шаҳар Дойч Крома шаҳрини ишғол қилиш топширилганди. Ана шу шаҳар олинса, Берлинга йўл очиларди. Дастлаб шаҳарни ишғол қилиш иккинчи батарея бошлиғи Л. Колягинга топширилди. Аммо у уддалай олмади, кўпчилик аскарлар ҳалок бўлди. Бу вақтда қараб туришнинг фойдаси йўқ эди. Тезда батареядагилар билан маслаҳатлашиб, ўз режамни қўмондонликка хабар қилдим. Улар маъқуллагач, вақтни қўлдан бой бермай, ҳужумни немислар кутмаган жойдан бошладик ва ғалабага эришдик...

Солиҳ ака Умаров жангларда кўрсатган жасорати ва маҳорати учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тавсия этилади. Унинг кўкрагини безаб турган орден ва медалларнинг ҳар бири ана шундай оғир жангларнинг ҳисобига берилган эди.

Бундан 52 йил муқаддам Улуғ Ватан уруши бошланган эди

С. Умаров Тошкентга келгач, яна меҳнат фаолиятини бошлади. Шу билан бирга ўзи яшаб турган Оқлон маҳалласининг фаолларидан бирига айланди. У беш фарзандининг отаси. Ҳаммаси олий маълумотли, ўз касбига меҳр қўйган. Солиҳ ака ҳозир 72 ёшда бўлса ҳам, тетик, бардам.

Қаҳрамонимизнинг тўртинчиси Икромжон Акмаловдир. У 1922 йилда Тошкентда туғилиб, 24-мактабни 1930—40 йилларда тугатиб, олий ўқув юртига кириш ҳаракатида юрган бир вақтда Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Кўпчилик дўстлари фронтга кетди. Уруш туфайли Украина, Белоруссия ва бошқа жойлардан кўчириб келтирилган заводлар, фабрикаларни қайта тиклаш ҳамда уларни ишга тушириш энг долзарб бўлиб қолди. Саратовдан кўчириб келтирилган самолётсозлик заводи шулардан бири эди. Заводни тезроқ ишга тушириш учун кўпроқ ёшлар зарур эди. Икромжон шу заводга оддий ишчи бўлиб қабул қилинди. У касбга астойдил берилиб киришиши, ўткир зеҳни туфайли заводнинг илғор ишчилари қаторидан ўрин олди. Тез орада разряди ошди, цех бошлиғи даражасига кўтарилди.

У ўзининг фидокорона меҳнати туфайли кўпгина мукофотларга сазовор бўлди. 1967 йилда эса Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Аммо Икромжон Акмалов энди қарилик ғаштини суриш вақтида оғир касаллик туфайли 1979 йилда ҳаётдан кўз юмди. Ундан ёдгорлик бўлиб Ҳамида Тўхтаева, Шоислом, Рустам ва Баҳром Акмаловлар қолишган.

Биз пойтахтимиздаги намунавий мактаблардан бири 24-ўрта мактабда таълим олган тўрт қаҳрамон ҳақида қисқача тўхталдик. Бу илмгоҳда таълим-тарбия олган кўплаб йигит-қизлар эндиликда олим, раҳбар, муҳандис ва турли касб эгаларидир.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
жумҳуриятда хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими,

Карим РАҲИМ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Урушнинг дастлабки соатларида

Дунай дарёсининг Қора денгизга қуйиладиган жойидан ю чақиримча ичкарида Килия шаҳарчаси жойлашган. Улкан дарё уни иккига бўлиб оқади. Дарёнинг оқимига қаралганда ўнг қирғоқдагиси Килия-Веке ёки эски Килия, чап қирғоқдагиси Янги Килия — Килия Ноу деб юритилади. Янги Килиянинг совет қўшинлари томонидан озод этилганига роппа-роса бир йил тўлган 1941 йил 21 июнда шаҳар байрам тусини олганди.

— Мен, — дея ҳикоя қила бошлади Абдулаҳат ака Назиров, — қирғоққа яқин жойлашган оролнинг ўнг бурчагида ўрнатилган кузатиш нуқтасида қўриқчи бўлиб турардим. Менга учта мўлжални кузатиш топширилган: дарёнинг нариги томонидаги руминларга қарашли Килия-Веке шаҳар будҳосининг минораси, дарё қирғоғидаги қамишзор ва қайиқлар тўпланган жой. Ана шу мўлжалларда нимани кўрсам телефон орқали штабга хабар бериб турдим.

Соат ўн бирларда руминларнинг учта самолёти паст учиб биз томонга ўтди; шаҳарни бир айланиб қайтиб кетди. Дивизиямиз штабидан чегарани янада мустаҳкамлаш, хушёрликни янада ошириш тўғрисида буйруқ келди. Полк командири бизнинг взводни қирғоқни қўриқловчи жанговар гуруҳга айлантирди. Бу взвод ўрта Осиё ва Кавказортилик йигитлардан иборат бўлиб кўпчилиги ўзбеклар эди. Взводимизда Избосканнинг Тўрткўлидан Набижон Меҳмонов, Туячи маҳалласидан Хўжақул Умаров, Жалолқудуқдан Маллаев, Бўрибоев, Эшмановлар, Хоразмнинг Хонқа районидан Тожибой Қурбонов, Собир Қурбонов, Ёвқочов, Урганчдан Назар Отаевлар бор эдилар.

Полк разведкасининг бошлиғи Сафрон Гончаровнинг ўзи взводга командирлик қилди. Взвод кечаю-кундуз шаҳарнинг осойишталигини сақлайдиган бўлди.

1941 йил 22 июнига ўтар кечаси руминлар Янги Килияни тўп ва миналардан ўққа тута бошладилар. Шу куни кечқурун ечинмай ётган полк командири майор Сирота югурганича ҳовлига чиқса, душман самолётлари, тўплари ёзги лагерни бомбардимон қилаётган экан. Шунда у мийиғида кулиб туриб, «бомбаларингни ташлайвер, барибир у ерда ҳеч ким йўқ» деб қўйди. Бундай ёзги лагерлар душманни чалғитиш мақсадида Одесса ҳарбий округида жойлашган 9-армиянинг ҳамма полкларида қурилган эди.

Килия бир соатдан ортиқ ўққа тутилди. Полк командири майор Сирота командасиз бирорта ҳам ўк отилмасин деган буйруқ берди. Руминлар дарёдан ўта бошлади. Бизникилар бўлса тишни-тишга қўйиб, нафасларини ютганча ҳамма қуроллардан отишга ҳозирлик кўриб ётишарди.

— Босқинчиларга қарши ҳамма қуроллардан ўт очилсин! — Сиротанинг буйруғи жаранглади. Абдулаҳат Назиров ўз постида туриб бу командани радио орқали такрорлади. Мўлжалга шай турган милтиқлар, пулемётлар сайради, десантчилар бошига қўрғошин ёғарди. Навбат 45 ммлик тўпларга келди. Аниқ мўлжалга тушаётган снаряд ва миналардан босқинчиларнинг кема ва қайиқлари тилка-пора бўла бошлади. Бир соатча давом этган отишмадан сўнг Дунай юзида қайиқ парчаларидан бошқа ҳеч нарса қолмади. Десантининг ҳалокатга учрағанидан жаҳли чиққан руминлар ва уларга раҳнамолик қилиб турган немис фашистлари полкларимиз устига тўп ва миналардан ўқ ёғдирдилар. Бу томондан ҳам дастлабки ярадорлар пайдо бўлди. Соат ўнларга борганда отишмалар тўхтади. 23-полк жангчилари, чегарачилар ҳарбий флотилия матросларн шу отишмалар билан урушнинг тўхташини истар эдилар. Улар Баренц денгизидан Қора денгизгача бўлган даҳшатли урушнинг бошқа фронтларида гитлерчи фашистлар бор кучини ишга солиб олдинга силжиётганидан ҳали бехабар эдилар.

Ҳозир эса улар бир соатлик жанг натижасини муҳокама қилишарди. 45 ммлик тўп батареясининг старшинаси Константин Лозовой гапга аралашди. У тўпларни снаряд билан тўхтовсиз таъминлайман деб ҳолдан тойдим, айниқса, 5-тўп снаряд ташувчи ўзбек йигити Алижон Аҳметов мени шошилтириб қўйди, деди.

— Давай, давай снаряд, старшина! — деяверип қулоғимни кар қилди. — Душманга дам бермаймиз. Бу совғани улардан аямаймиз, — деб қўярди у. Шу жангда Алижон яradор бўлди, лекин у снаряд ташишда давом этди. У менинг аравамдан олган қутиларни ҳам ўзи очар, снарядга суртилган ортиқча мойни ҳам ўзи артарди. Взвод командири лейтенант Холодний зудлик билан Алижонни ярасини боғлаб келиш учун санитария қисмига юборди.

Килияда урушнинг биринчи куни шу тарзда ўтди. Қўшинларимиз Эски Килияга десант юборишга тайёргарлик кўришди. 27 июнь кечаси соат 3 да дарё туманидан фойдаланиб, (худонинг берган куни кечаси ва эрталаб дарё бетини туман босади) 3-рота, пулемёт ротаси, тўп ва миномёт взводлари десантликка ташландилар. Руминлар ва уларнинг раҳнамолари ширин уйқуда ётишган экан. Десантчиларимиз Эски Килия гарнизонини қисқа муддат ичида тор-мор келтирдилар, 500 дан ортиқ киши асир олиниб, дарёнинг у бетига жўнатилди. Ўша қайиқларда 1-ўқчи батальон ҳам сузиб ўтди. Плацдарм кенгайтирилди ва мустаҳкамланди.

Бироқ, 11 июлга келганда қўлга тушган ўлжалар, қурол-яроғларни олиб орқага қайтинглар, деган буйруқ келиб қолди. Ўша кунлари душман бу ерда 110 километр наридаги Белград шаҳрига қаттиқ ҳужум бошлаган эди. 23-полк бу шаҳарни ҳимоя қилиш учун ёрдамга бориши лозим бўлиб қолди.

23-полк 51-ўқчи Перекоп дивизияси билан душманга қарши жангга кирди. Бу жангда Абдулаҳат ака елкасидан бешта ўқ еди. Дўхтирлар тўрттасини олиб ташлашди. Бешинчиси ҳамон у кишининг елкасида юрибди.

1941 йил 3 октябрда яраси ҳали тузалмаган ҳолда Абдулаҳат ака Андижонга етиб келди.

Кейинчалик полкдошларини қидириб топди, Килия район партия қўмитасининг котиби полкдошларининг уй манзилларини маълум қилди. Улар билан ҳозиргача алоқасини узмайди.

Муҳаммаджон РАҲИМОВ,
Улуғ Ватан уруши ногирони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.



Урушнинг ҳаммамиз учун хотира бўлиб қолгани рост бўлсин.

БУ КЎҲНА ДУНЁ

ВОҚЕАЛАР · ХАБАРЛАР · ҲОДИСАЛАР

● **БОСНИЯ ва Герцеговина Президенти Алия Изетбегович Туркияга мурожаат этиб, республикада тинчликни сақловчи кучлар таркибида қатнашишга чақирди. А. Изетбегович Онадўли ахборот агентлигининг мухбири билан суҳбатда Босния халқи «Турк аскарларини жуда яхши билади ва уларнинг тинчликсеварлигига ишонади», — деб таъкидлади.**

● **ЯПОНИЯЛИК 59 яшар Иосиаки Цуцуми бу йил дунёдаги энг бой киши деб тан олинди. Америкадаги «Форбс» журналида бугун эълон қилинган бойлар рўйхатида унинг номи биринчи ўринда турибди. Анъанага кўра бу журнал ҳар йили тадқиқот ўтказиб, камида бир миллиард долларлик мол-мулки бўлган кишиларнинг рўйхатини эълон қилади.**

● **КОРЕЯ республикасининг Президенти Ким Ен Сам билан Австралия бош вазири Пол Китинг Осиё-Тинч океан минтақасида ҳамкорликка бағишланган олий даражадаги кўп томонлама учрашувни тезроқ ўтказиш кераклигини айтишди.**

● **ГВАТЕМАЛА миллий конгрессида Президент лавозимига сайланган Рамиро Де Леон Карпио «қашшоқликка, порахўрликка, бангфурушликка ва жиноятнинг жазосиз қолишига» қарши кураш бошлашни ва шу йўл билан мамлакатни «тараққиёт, демократия ва тинчлик» йўлига олиб чиқишга ваъда берди.**

● **ИТАЛИЯ шимолидаги мухторият чилар уюшмасининг номзоди Форментино Милан шаҳрининг ҳокими этиб сайланди. Якшанба куни ўтган овоз бериш иккинчи даврасининг бу натижаси шов-шувга сабаб бўлди.**

Миланда шимол уюшмаси намояндасининг ғалабаси Италия сиёсий турмушидаги кучларнинг нисбатида ўзгариш рўй берганини билдиради. Кейинги йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида Милан ҳокимлигига социалистик партиянинг вакили бошчилик қиларди.

РЕЖА ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Покистон мухолифатининг раҳбари, Покистон халқ партиясининг раисларидан бири Беназир Бхутто мамлакатдаги сиёсий тангликни бартараф этиш режасини ишлаб чиқди.

У чоршанба куни парламентда сўзга чиқиб, май ойининг охирларида Покистон олий суди президент Ғулом Исҳоқхоннинг парламентни тарқатиб юбориш ва Навоз Шарифни Бош вазир лавозимидан олиб ташлаш тўғрисидаги фармонини бекор қилганидан кейин кескин тус олган тангликдан қутилиш дастурини эълон қилди. Бхутто миллий бирлик ҳукумати тузишни, амалдаги конституцияга бир қанча муҳим тузатишлар киритишни, дарҳол япи сайлов ўтказишни таклиф этди.

ДЎСТИНГ КЎП БЎЛСА...

Бизнинг мусоҳаба

Дўстинг кўп бўлса, юкинг аро йўлда қолиб кетмас экан. Ватанимиз истиқлолга эришгач, мустақиллик шароитида ўтаётган вақт, жараён ҳам шундан далолат бераяпти. Уз кунини ўзи кўришга бел боғлаган давлатимиздан Ғарб ва Шарқ мамлакатлари бегараз ёрдамларини аямай, иқтисодимизнинг кундан-кунга юксалишига озми-кўпми таъсир кўрсатаяптилар. Бу борада қардош Туркиянинг кўмаги айниқса ўзига хослиги билан ажралиб турибди. Улар бошқалардек фақат маблағ ва ишлаб чиқариш воситалари бериш билан чекланиб қолмадилар. Балки тараққиётимиз учун асосий омил бўлмиш маъориф соҳасига ҳам эътиборни кучайтирдилар. Ўзбекистонда қатор турк лицей ва мактаблари иш бошлади. Кўплаб талаба йигит-қизларимиз Туркия дорилфунунларида таҳсил олишмоқда. Суҳбатдошимиз Маҳмад Али Ёйиқчи юртимизда шундай лицейлар очган Туркиядаги «СИЛМ» ширкатининг бошқон вакили.

— Маҳмад оға, ҳозир Ўзбекистонда «СИЛМ» ширкатига қарашли нечта лицей бор ва улар қайси шаҳарларда жойлашган?

— Хусусий эркаклар лицейи деб аталадиган бундай мактабларнинг сони бугунга қадар 7 тага етди. Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Хоразм ва Нукус каби шаҳарларда шўъбаларимиз иш бошлаган. Бизнинг мақсадимиз ота юрт авлодларини XX аср илм-фан ва техника ютуқлари билан яқиндан таништириш. Илм бу — келажакнинг халитидирким, уни мукаммал эгаллаган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

— Лицейга қабул қилиш ва ўқитишнинг алоҳида тартиблари ҳақида ҳам гапириб берсангиз?

— Ўқишга асосан бешинчи ва саккизинчи синфларни аълo баҳоларга тугатган болалар тест орқали қабул қилинади. 8-синфгача ўқиганлар тўрт йил, 5-синф маълумоти билан келганлар эса 7 йил ўқишади. Биринчи йил фақат турк ва инглиз тиллари ўргатилади. Кейинги йилдан асосий фанларга ўтилади. Энди одамларда қизиқиш пайдо бўлиши мумкин: «Бу ерда ўқишнинг қандай афзаллик томонлари бор?», деб. Лицейда таълим олганларнинг 70 фоиздан кўпроғи олий ўқув юртларининг синовидан муваффақиятли ўта олишига кафолат берамиз. Ҳозир оддий ўрта мактабларни тугатиб, талабалик ҳуқуқини қўлга киритаётганлар атиги 10 фоизни ташкил этаётганлигига эътибор берсангиз, бизнинг кафолатимиз нечоғли салмоққа эга эканлиги равшанлашади.

— Ўқитувчиларнинг ҳаммаси Туркиядан келиб ишлашаяптими?

— Йўқ. Бизда ўзбек ўқитувчилари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ҳар бир лицейимизда 100—120 тагача ўғил бола таълим олади. Мураббийлар сони шунга қараб белгиланган.

— Дарвоқе, нега эркаклар лицейи? Қиз болалар ҳам ўқийверса бўлмайдими?

— Кўп йиллик кузатувларга асосланиб айтсам, ўғил ва қиз болалар алоҳида ўқитилганда ўзлаштириш кўрсаткичи анча юқори бўлади. Қизлар учун ҳам лицей очиш ниятимиз йўқ эмас. Худо хоҳласа, келаси йили шу ишга қўл урамиз.

— Маҳмад оға, биз ўзбекларда ҳисобли дўст айрилмас, деган мақол бор. Сир бўлмаса айтинг-чи, лицейда ўқишни истаб, тест синовларидан ўтганлар қанча ҳақ тўлаши лозим?

— Саволингиз жуда ўринли. Энг замонавий ўқитув дастгоҳлари, компьютерлар воситасида ёшларни билимдон қилиб тарбиялашга катта маблағ керак. Лекин биз иқтисодий тикланиш даврини бошдан кечираётган қардош мамлакатни суяш мақсадида беш йилгача таълим-тарбия учун пул олмасликка ахд қилганмиз. Сарф-харажатлар «СИЛМ» ширкатининг тижорат ишларидан тушган фойда ҳисобидан қопланади.

— Талабалар лицей сабоқларини олгач, хорижий олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкинми?

— Албатта мумкин. Истанбул университетига имтиҳон топширган талаба Истанбулда ўқишни давом эттиради. Ёки ўзи хоҳлаган бошқа биронта олий ўқув юртига боради. Ҳозирча, ширкатимизга қарашли университет йўқ. Агар имконият бўлиб, дурустроқ бино топилса, биринчи университетимизни Ўзбекистонда очмоқчимиз. Бизнинг назаримизда ўзининг қадимий фан ва маданияти билан оламга машҳур бўлган бу юртда айни шундай даргоҳ учун етарлича шарт-шароит мавжуд.

— Хайрли ишларингизга муваффақият тилаймиз.

— Ташаккур.

Сирожиддин РАУФ гурунглашди.

СУРАТДА: Маҳмад Али Ёйиқчи (чапда) ва техник муҳандис Маҳмад Оталай.



ХОРИЖДА НИМА ГАП?

ГФРда Германия бундесвери бўлинмаларидан НАТО масъулияти зонаси ташқарисидаги халқаро аъмолларда фойдаланишга йўл қўймаслик ҳақидаги баҳслар давом этмоқда. БМТ Бош Котиби Бутрос Ғолий шу баҳсларга аралашишга қарор берди.

«Зюддойче Цайтунг» газетасининг бугун хабар қилишича, сешанба куни ГФРга қисқа амалий ташриф буюрмоқчи бўлган Бутрос Ғолий мазкур масалани кўриб чиқишга киришай деб турган федерал конституциявий судида сўзга чиқишга тайёр эканини билдирди.

Кўпчилик америкаликлар мамлакат президенти Билл Клинтонни кучли раҳбар деб ҳисобламаяпти. «Ю. Эс. Ньюс и Уорлд Рипорт» журнали жамоатчилик фикрини сўраш асосида шундай хулосага келди.

* * *

Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлик зонасига аъзо бўлган давлатлар ташқи ишлар вазирлари кеча Истанбулдаги «Шератон» меҳмонхонасига йиғилдилар. Бу ерда бошланган мажлисда Озарбайжон, Албания, Арманистон, Болгария, Греция, Грузия, Молдова, Россия, Руминия, Туркия ва Украина делегациялари қатнашмоқда. Томонлар минтақавий ҳамкорликнинг бундан буёнги йўлларини муҳокама қиладилар, ҳамкорлик зонаси котибияти ҳамда Қора денгиз савдо тараққиёт банки тузилганини расмий равишда тасдиқлайдилар.

Зона давлатлари ташқи сиёсат маҳкамалари бошлиқларининг биринчи мажлиси 1992 йил декабрь ойида Туркиянинг Анталья шаҳрида бўлган эди. Шу органнинг доимий ҳокимияти тузилиб, унинг қароргоҳи Истанбулда бўлиши белгилаб қўйилди.

* * *

Ҳар қандай шароитда ҳам Шарқий Европа мавзуи муҳокамасида Европа ҳамжамияти билан Россия ўртасидаги муносабат муҳим ўрин олади. Ҳамжамиятнинг раҳбар органларида раислик қилаётган Дания Бош вазири Поуль Нюруп Расмусен журналистлар билан суҳбатда шу гапни айтди. У РАТА—ТАСС мухбирининг саволларига жавоб қайтарар экан, Европа ҳамжамиятидаги мамлакатларнинг раҳбарлари учрашувида Россия билан шерикчилик ҳақида шартнома тузиш юзасидан бошланган музокараларни тезроқ эгаллашга тайёрликни таъкидлаш муҳимлигини уқтириб ўтди.

Кутлуғ кун

Ёнимиздаги одам...



Тан олиш керак, кўпда биз унинг кимлигини, турмуш-турмуши, касб-кори, ўйларию ташвишларини билмаймиз. Йўқ, бу бефарқлик ё лоқайдликдан эмас, албатта. Нимаям дейсиз? Ҳаётда!.. Ҳеч ким ўзидан ортмайди. Қўполроқ қилиб айтганда «биров билан бировнинг иши йўқ».

Бироқ ажойиб кунларнинг бирида ана ўша «ёнимиздаги одам»ни тасодифан кашф этамизу, ҳайратланамиз. Ҳар куни салом-алигу хайр-хўшдан нари ўтмаган у одам ҳаётимизнинг бир парчасига айланиб қолганини ички бир туйғу билан ҳис қиламизу лол қоламиз...

Ҳикоямиз қаҳрамони — Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг олий даражадаги режиссёри Сайдамин ака Юнусхўжаев ҳам ана шундай «ёнимиздаги одам»лардан бири.

Балки, сиз уни билмассиз. Лекин, у сизни билади. Ҳар куни, қўйингчи, ҳар соатда хонадонингизга «берухсат кириб келаверади...» Гоҳ эшиттиришлар орқали, гоҳ куй-қўшиқлар орқали... Унинг касби ўзи шунақа. Радиорежиссёр.

Лекин, ўзининг ҳикоя қилишича, аслида кинорежиссёр бўлиши керак эди. Шу ниятда, 1958 йили ҳатто Москвадаги кино санъати институтига, собиқ ВГИКка ҳам ҳужжат топширган, машҳур санъаткор Михаил Ромм курсига ўқишга ҳам кирган экан.

Аммо... тақдир тақозосими ё ғирт ўзбекчиликми, нима бўлгандаям бу орзу армон бўлиб қолган экан. Ўша кезлари, кунлардан бир куни Тошкент билан телефон орқали гаплашибди-ю овози ёмонроқ эшитилган шекилли, онаси «Сайдаминҳўжа ўғлим Москопда касал экан» деб оёқ тираб олибди ва қўярда-қўймай «бўлажак кинорежиссёр»ни уйга қайтариб келибди.

Нимаям дейсиз?! Ўзбекчиликда шунақасиям бўлиб туради-да! Аммо «ёшликда берган кўнгил» деганларидек, Сайдамин Юнусхўжаев барибир режиссёр бўлди. Фақат кинода эмас, театрда..

1963-йили ҳозирги М. Уйғур номли Санъат институтининг режиссёрлик куллиётига ўқишга кирди. А. Гинзбург, Л. Хўжаева сингари устозлар қўлида таҳсил олди. Таниқли санъаткор В. Иогельсон курсини тугатди. Диплом спектакли татар драматурги Х. Воҳиднинг «Биринчи муҳаббат» пьесаси бўлган эди. Уни Ҳ. Олимжон номли Самарқанд мусиқали драма театрида саҳналаштирди. Кейин шу театр жамоаси билан Н. Сафаровнинг «Кимга тўй, кимга аза», Т. Собировнинг «Қайдасан, ҳаёт» сингари асарларини саҳнага олиб чиқди.

Орадан кўп ўтмай уни янги ташкил этилган Ю. Разжабий номли Жиззах вилоят театрига ишга таклиф этишди. Яна янгидан-янги изланишлар бошланди. У. А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш», Н. Сафаровнинг «Тарих тилга кирди», М. Муҳамедовнинг «Жон қизлар» каби қатор спектакларни айнан ўша йиллари саҳналаштирган эди.

Бу орада Москвада, Станиславский ва Немирович-Данченко номли драма театрида тажриба ўрганиб келди...

1966 йилдан буён эса Ўзбекистон радиосида режиссёр бўлиб хизмат қилади.

Қизиғи шундаки, Сайдамин Юнусхўжаевнинг овозини сира радио орқали эшитмагансиз. Аммо, мусиқали эшиттиришларнинг ҳаммаҳаммаси қарийб йигирма йилдан буён унинг бемингнат хизмати туфайли сизубизга етиб келади.

Мен ҳамкасб сифатида Сайдамин акани турли ҳолатларда кўп кўрганман.

Гоҳ овоз ёзиш студиясида у ёқдан-бу ёққа асабий юради...

Гоҳ қўлларини силкийди... Гоҳ овозини баландлатади... сўкинади... Муштумини тишлаган кўйи «Не-ет!... Не так!» дея бош чайқайди..

Билмадим, ҳар ҳолда унинг бу хил хатти-ҳаракатларини, юз-кўзларида пайдо бўладиган имо-ишораларни сўз билан тасвирламоқ қийин.

Билишимча, радиотингловчилар томонидан илиқ қутиб олинган М. Шолоховнинг «Тутинган ўғил», И. Аҳмедовнинг «Юхтоб», Э. Рижованинг «Бошқача яшаб бўлмайди», Р. Раҳмоновнинг «Шоирнинг тақдири», М. Муҳамедовнинг «Оғаҳий» сингари асарлари асосидаги радиоспектакль ва радиоинсценировкалар худди шундай ижодий изланишларнинг самараси сифатида дунёга келган.

Эсимда бор, америкалик драматург Л. Флетчернинг «Кечирасиз, бошқа ерга қўнғироқ қиляпсиз!» номли радиопьесасини магнит тасмасига ёзаётган пайтларимиз эди. Уни ёзувчи Х. Дўстмуҳаммад таржима қилиб, таҳририятимизга тавсия этган, очиғини айтиш керак, асар анча мураккаб эди. Бош ролни раҳматлик, Ўзбекистон халқ артисти Марям Ёқубова ижро этганди. Радиопьесани кечки пайт ёздик. (Гангстер) бу ролни, янглишмасам, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист С. Умаров ижро этарди) деразани синдириб, уйга кириб келиш саҳнаси бор эди.

Маълумки, радио бу «овоз-мусиқа ва шовқин»дан иборат санъат. «Тиқ» этган товуш ҳам ўз ўрнида, албатта ишонарли, табиий бўлиши керак. Шу сабабдан, Сайдамин ака синдириш учун уйидан каттагина дераза ойнасини кўтариб келди... Хуллас, ойна синди... Биллур қадаҳлар ҳам олиб келган экан... Улар ҳам синиб, чил-чил бўлди...

Марям Ёқубова: «Сайдамин, келиндан балога қоладиган бўлдингиз! Деразаям кетди, рюмкаям!» деб ҳазиллашдилар. Сайдамин ака бўлса одатдагидек жилмайиб қўяқолди.

Сабаби оддий. Инсценировка муваффақиятли чиққан эди. Асосийси, бу асар доимийга — «олтин фонд»га қабул қилинди. Ундан ҳам муҳими, ўша асарда М. Ёқубова яратган образ атоқли актрисанинг ҳаётдаги энг сўнгги роли бўлиб қолди...

Бунақа воқеа-ҳодисалар Сайдамин ака ҳаётида кўп бўлган.

Умуман, режиссёр халқи ғалати бўлади. Уларнинг ижодий фаолиятида ўзига хос, «ёзилмаган қонунлар» бор. Аксарият ҳолларда улар радиоэшиттиришлар учун ўзларининг севимли актёрларини, ўзлари лозим деб билган санъаткорларни қайта-қайта таклиф этаверадилар. Қарабсизки, ўша режиссёрнинг эшиттиришларида бир хиллик, яъни «штамп» сезила бошлайди. Бундан режиссёр ҳам, актёрлар ҳам хижолатда қоладилар.

Сайдамин ака эса айнан шундан қочади. Доим янги «овозлар» билан ишлашга ҳаракат қилади. Бу нарсани устози Неъмат Дўстхўжаевдан ўрганган. Устози ҳам бир умр янги-янги овозлар кашф этиш дарди билан яшарди.

Шу сабабдан бўлса керак, С. Саъдуллаев, С. Содиқов, Н. Холматов, Қ. Искандаров сингари истеъдодли, ёш радиорежиссёрлар, С. Аҳмедов, А. Абдуллаева, Ш. Мусаева, З. Қўзиева, М. Хўжаев сингари сухандон-диктор лар Сайдамин акани ўзларига мураббий деб биладилар. Устоз ёшлар билан ишлашдан сира эринмайди. Ўз тажрибасини тўкиб солишга, ўргатишга ҳаракат қилади.

Шу кунларда Сайдамин ака 60 ёшга тўлди.

У ўзининг ана шу қутлуғ ёшини ўз табиатига кўра сокинлик ва собитлик, вазминлик ва хотиржамлик билан, ҳеч қандай унвонсиз дабдабасиз... қарши олаяпти.

Аммо, Сайдамин ака бундан ўкинмайди. Ким билсин, балки ўкинар. Ҳар ҳолда сиртига чиқармайди. Билган одамга буям бир фазилат...

...Қайси куни қарасам, Сайдамин ака ёлғиз ўзи радио ҳовлисидаги ўриндиқда сигарет тутатиб хаёлга чўмиб ўтирибди.

Ҳазиллашдим. «Ха, ўтган олтмиш йил ичида бўлиб ўтган нарсаларни эслаб ўтирибсизми?» дедим.

Сайдамин ака жилмайди: «Йўқ ука, қилинадиган ишларни ўйлаяпман! ...Қиладиган ишлар кўп ҳали!...»

Эркин УСМОНОВ,
Ўзбекистон радиоси адабиёт, санъат ва маданият таҳририятининг мухаррири.

Тақдир уни синамоқ бўлиб...

Тўшакда ётган Шуҳрат домлани 75 ёшлари билан қутлаб, табрик ёзганимизга ва васиятнамо шеърларидан эълон қилганимизга ҳали унча кўп вақт бўлгани йўқ.

Ҳар бандасининг ёзнғида бор ҳақ ўлим ўзбекнинг яна бир асил ва суюкли фарзандини орамиздан юлқилаб олди.

Очиғи, бу йил муборак Наврўз якшанба куни кирган бўлса-да, тарихий битикларимиз йилнинг оз ўлимли келишини каромат қилсаларда, негадир ижодкор аҳли қодир ўлимга тез-тез дуч келаётир.

Шоирнинг «Тақдир ва мен» сарлавҳали шеърида ҳаёт йўли мухтасар ҳикоя этиб берилган эди. Тақдир уни аввалбошданоқ синамоқ бўлиб, гўдак қилиб яратди. Суғг ҳаётнинг катта ва машаққатли йўлларига етаклаб чиққан тақдир унга: Ҳаёт йўлинг оч, ақлинг билан мақсадингни топ, деган эди. Жисмонан ўсиб, бу оламнн танигани сари нурга тўлиб борган шоирнинг юраги, ақли. Бағрини нурга тўлдирган ўша тақдир уни синамоқ бўлиб, ижтимоий ҳаёт майдонларида ўтга ташлаб кўрди бир замон, ҳаётнинг қоронғу гўшаларига етаклаб кирди, гўё ёритгил, дея бу зулмат кўчасини.

Домланинг беқарор ва кўникмас руҳи вайрона масжидга қўна олмай турган каптар сингари халқининг бузилган орзу-умидлари ва аччиқ изтиробларн теварагида чарх ураверди.

Бардошн халқимизнинг бардошли тупроғидан олинган камсуқум ва андишали шоир ўзбекнинг оғир кунларини бошидан кечирди, қатгол замонанинг барча кўргиликларига, унинг билан бирга матонат-ла чиқди. Ва ниҳоят, у қадим ўлканинг ёт истибдод ва андишасиз мафкурадан озод бўлган масъуд дамларини кўрди.

Шуҳрат домла ҳижрий 1414 йил кирган қутлуғ кунда хайрият билан жон берди.

Бундан-да улуғ саодат бўлмаса керак!

«ТУРКИСТОН» РЎЗНОМАСИ ТАҲРИРИЯТИ.

«ЎЗБЕКИСТОН—УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ»

(Боши 1-бетда).

Аввалги тоталитар тузумнинг илдизлари қўпориб ташланмоқда, кўп партиялилик, ғоялар ва фикрларнинг хилма-хиллигига кўникиш воқеликка айланмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш ва очиқ демократик жамият барпо этиш учун ҳуқуқий негиз яратилиб, дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Холис хорижий кузатувчилар иштирокида, муқобиллик асосида мамлакат президенти сайлови ўтказилди. МДҲ мамлакатлари орасида биринчилар қатори Ўзбекистон ўзининг янги конституциясини умумхалқ муҳокамасидан кейин қабул қилди. Бу конституция талабчан халқаро мутахассисларнинг синовидан ўтди.

Биз миллатлараро тотувликка эришдик. Оз сонли миллатлар билан ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзбекистоннинг 22 миллионли аҳолиси таркибидаги юз миллат ва элат вакиллари ишлаб турибди, она тилларида бемалол таълим олмоқда ва диний маросимларни нишонламоқда. Биз фуқаролик ҳақида қонун қабул қилдик. Бу қонун мамлакатда яшовчи барча миллатларнинг ҳуқуқларини шунчаки эълон қилиб қолмасдан, бу ҳуқуқларга кафолат ҳам беради. Биз диний ақидапарастлик ва мутаассиблик хавфини бартараф қилдик. Совет империяси барбод бўлганидан кейин вужудга келган бўшлиқни мана шу ақидапарастлик ва мутаассиблик тўлдириши мумкин ва шундай хавф мавжуд эди.

Биз жамиятдаги барқарорликни таъминлаб, иқтисодиётни юксалтиришга ва минтақамиздаги битмас-туганмас бойликларни халққа хизмат қилдиришга асосий эътибор ва куч-ғайратларни қаратганимизни таъкидлаб ўтмоқчиман.

Иқтисодий ислоҳотлар йўлида кўп иш қилинди. Хусусий мулкчилик турмушимизга дадил кириб келмоқда. Ҳозиргача 7 мингтадан кўпроқ саноат корхонаси, хизмат соҳаси ва қишлоқ хўжалик корхоналари хусусийлаштирилди. Давлатга қарашли уй-жойларнинг ҳаммаси шу йил тўла-тўкис хусусийлаштирилади.

Катта иқтисодий заҳирага эга бўлган ва Европа—Осиё қитъасида стратегик жиҳатдан муҳим жуғрофий-сиёсий ўринни эгаллаб турган республикамиз ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилиб, иқтисодий салоҳиятимизни узлуксиз ривожлантиришда, ислоҳотлар ўтказишда ва иқтисодиётнинг тузилишини қайта қуришда давлатимизга кўмак берилиши тарафдори бўлиб турибди. Ҳозир бу ерда сармоя ва олисни кўзлаб маблағ сарфлаш учун ҳамма шароит бор. Бу маблағ ва сармоялар самарали бериши шубҳасиз.

Хўш, бизнинг тасарруфимизда нималар бор, савдо-саноат доираларига, ишбилармонларга ва барчага мақбул халқаро меъёрлар доирасида биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳловчи ҳамма кишиларга нималарни таклиф қила оламиз? Менга ажратилган вақт доирасида бу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламан.

1. Ўзбекистон олтин ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми юзасидан дунёда саккизинчи ўринда ва аҳоли жон бошига олтин ишлаб чиқариш жиҳатидан бешинчи ўринда турибди. Мамлакатда топилган 30 та олтин конининг жами заҳираси 4000 тоннадан ошади. Аммо уларнинг атиги 10 тасидан фойдаланилмоқда. Ўзбек олтинининг сифати дунёдаги олий андозаларга мос келади, кейинги йигирма йил мобайнида унинг сифати ҳақида шикоят тушгани йўқ. Сўнгги икки йил да эса уч марта халқаро сифат совриии билан тақдирланди.

Ўзбекистонда катта заҳирага эга бўлган ўттизта уран кони бор. Ҳар йили 80 минг тонна мис қазиб оляпмиз, Ўзбекистондаги мис заҳиралари беҳисоб, қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа стратегик муҳим нодир металларнинг йирик конлари ҳам бор.

2. Ўзбекистон ривожланган қудратли энергетика базасига эгадир. Аниқланган газ заҳиралари салкам икки триллион куб метрни ташкил этади, кўмир заҳиралари икки миллиард тоннадан ошади, 140 тадан кўпроқ нефть кони бор. Кейинги икки йил ичида очилган нефть ва газ заҳиралари энергия воситалари билан ўзимизни таъминлаш ҳақидагина эмас, уларни чет элларга сотиш ҳақида ҳам гапириш имконини беради.

3. Пахта — бизнинг асосий бойлигимиз экани ҳаммага маълум. Бутун Марказий Осиё икки миллион тоннага яқин пахта толаси етиштираётган бўлса, шунинг 1,5 миллион тоннаси Ўзбекистонга тўғри келади. Ўзбекистон пахта етиштириш жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринда туради. Бизнинг пахтамиз Европа, МДҲ, Жанубий-Шарқда Осиё мамлакатларида бажонидил харид қилинади.

Бу соҳадаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари — пахтани тўла қайта ишлашга эришишдан ва шу қимматли хомашёни жаҳон бозорига манфаатли тарзда чиқариб сотишдан иборат.

4. Ўзбекистон собиқ Совет Иттифоқидаги барча мева-сабзавотнинг 60 фоизигача бўлган қисмини етиштириб, СССР мавжуд бўлган даврда сабзавот ва мева етказиб берувчи асосий манба бўлган эди. Ҳозир ҳам йилига 5 миллион тоннагача мева ҳосили олаётган мамлакатимиз бу соҳада ҳамкорлик қилишга тайёр. Бизда сабзавот ва меваларнинг кўпи ўзининг таъми жиҳатидан ноёб ҳисобланади.

Бизнинг бу тармоқдаги асосий манфаатларимиз — мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлайдиган, сақлайдиган, ташиб берадиган, ўраш материаллари тайёрлайдиган корхоналар барпо этишдир.

5. Бизнинг мамлакатимиз транспортнинг ривожланган ички кўмакчи соҳаларига эгадир. Бироқ Ўзбекистон халқаро транспорт йўлларини ривожлантиришга жуда муҳтож. Қўшни мамлакатлар билан икки томонлама, шунингдек иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ЭКО) доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик дунёдаги асосий транспорт йўлларига, шу жумладан денгиз йўлларига чиқиш мақсадини кўзлайди.

Биз транспорт қатнови тармоғини кенгайтириш юзасидан Афғонистон, Эрон, Покистон, Туркия, Хитой, билан бир қанча битимлар тузганмиз. Олмония фирмалари билан автомобилда юк ташишни ривожлантириш соҳасида яхши ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Замонавий алоқа воситалари тармоғини барпо этишда Ўзбекистон Япония, Олмония, Туркиянинг бир қанча фирмалари билан фаол ҳамкорлик қилмоқда. Аммо ҳали бу соҳада ва аввало алоқанинг истиқболли турларини ривожлантиришда жуда катта имкониятлар бор.

6. Ўзбекистон сайру саёҳатни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эгадир. Самарқанд, Бухоро, Хива каби ўзбек шаҳарлари бутун дунёга машҳур. Қадим замонларда «Буюк ипак йўли» шу шаҳарлар орқали ўтган. Республика ҳудудида тўрт мингтадан кўпроқ монументал меъморлик ёдгорликлари бор, уларнинг кўплари ЮНЕСКО муҳофасига олинди. Табиат-иқлим шароитлари саёҳатчиларни қишин-ёзин қабул қилиш имконини беради.

7. Кенг ҳамкорлик, барқарор иқтисодий алоқалар банк, суғурта муассасаларининг замонавий тармоғини, молия-пул тизимини ислоҳ қилишни талаб этади, албатта. Республикада хорижий сармоя иштирокида банклар таъсис этиш имконияти қонун йўли билан белгилаб қўйилган. Биз билан Швейцария (ЮБС, Кредитсвис), Олмония (Дойчебанк) банклари билан иш юзасидан яхши алоқалар ўрнатилган, биз валюта тарзидаги олтинимизни гаров тариқасида шу банкларда сақлаяпмиз. Шунингдек, Европа тиклаш ва тараққиёт банки ҳамда жаҳон банки билан ҳам алоқамиз бор. Бу соҳа учун мутахассислар тайёрлашга, алоҳида аҳамият бераяпмиз.

8. Орол муаммоси мамлакатимизга ёки Марказий Осиёгагина тааллуқли бўлиб қолмай, жаҳоншумул муаммо ҳамдир. Оролбўйидаги экология вазиятининг мушкуллашуви оқибатлари бутун ер куррасига таъсир қилиши мумкин. Бизга берган ёрдамлари учун Олмония ҳукуматига, турли мамлакатлардаги ҳукуматларга қарашли бўлмаган бир қанча ташкилотларга ташаккур билдирмоқчимиз. Шу билан бирга жаҳон ҳамжамиятининг куч-ғайратларини бирлаштириш зарур, деб ҳисоблаймиз. Чунки бу кулфат эртага бундан ҳам мусибатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Муҳтарама хонимлар ва муҳтарам жаноблар!

Ўзбекистон Республикаси амалий ҳамкорларга ҳурмат ва ишончга асосланган тенг, ўзаро манфаатли ҳамкорликка тайёр. Ҳозир республикада хорижий фирмалар билан биргаликда ташкил этилган мингга яқин корхона ишлаб турибди. Американинг «Ньюмонт», Олмониянинг «Мерседес-Бенц» ва «Сименс», Жанубий Кореянинг «ДЭУ» ва «Самсунг», Японияннинг «Мицубиси», Франциянинг «Эльф-Акитен» каби жаҳонга машҳур компаниялари, Туркия, Италия ва бошқа мамлакатларнинг фирмалари Ўзбекистонда қўшма корхоналар барпо этганлар ва барпо этмоқдалар.

Биз Ўзбекистон билан узоқ муддатли алоқа ўрнатмоқчи бўлганлар учун жуда қулай шароит яратиб беришга шай бўлиб турибмиз, чунки иқтисодий ҳамкорлик — давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг, одамлар тинчлиги ва фаровонлигининг асосий омили эканига ишончимиз комил.

Ташқи сиёсатимизнинг асосий йўналишлари ва қоидалари ҳақида икки оғиз сўз. Биз энг катта халқаро ташкилотларга, шу жумладан БМТга, Қўшилмаслик ҳаракатига, Европа хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашга, Халқаро молия муассасаларига аъзо бўлдик. Ташқи сиёсий фаолиятимизга суверенитетни ҳурмат қилиш, барқарорликни ва ички ишларга аралашмасликни ҳимоя қилиш, атом қуролини ва бошқа турдаги оммавий қирғин воситаларини тақиқлаш ва оммалаштирмаслик қоидалари асос қилиб олинган. Биз тажовузкор коммунистик ақидапарастликка барҳам бердик ва минтақада ашаддий фундаментализмга асосланган ҳар қандай доктриналарни тарқатиш йўлидаги уринишларга қатъиян қарши турамиз.

Тожикистондаги ва унинг атрофидаги аҳвол бизни жуда ташвишлантирмоқда. Тожикистондаги фуқаро урушининг хатарли оқибатларини бартараф этиш юзасидан БМТ номига қилган мурожаатимизга амалий жавоб берган БМТ Бош котиби Бутрос Ғолий жаноблариданминнатдормиз. Шу билан бирга, бизнинг назаримизда Оврўпа тожик халқининг бошига тушган кулфатга бепарво қарамоқда. МДҲ мамлакатлари ўртасида чегаралар йўқлиги эътиборга олинса, бу ердаги воқеаларнинг салбий тарзда ривожланиши Афғонистондан ва бошқа қўшни мамлакатлардан наркотик моддалар ва қурол-яроғ экспорти кўпайишини билдиради. Аслида наркотик моддаларни шимолга ташиш учун кўприк вужудга келади. Бу эса Оврўпа учун таҳликали муаммоларни келтириб чиқармоқда ва келтириб чиқараверади.

Бутун минтақада, шу жумладан Афғонистонда барқарорликни таъминлаш Тожикистондаги барқарорликнинг омилларидан бири эканини тушунамиз. Ўзбекистон ҳукумати мана шундай барқарорлик шароитини яратиш учун Афғонистон, Эрон, Туркия, Ҳиндистон ва Покистон билан яхши қўшничилик муносабатларини изчиллик билан йўлга қўйиб келмоқда. Биз Тошкент шаҳрида доимий ишлайдиган кенгаш тузилишини муҳокама қилишга тайёрмиз. Унда ишлаш учун минтақа мамлакатларининг вакилларини, шунингдек манфаатдор давлатлар ва ташкилотлардан кузатувчиларни таклиф қилиш мумкин бўлур эди.

Назаримда, бундай кенгашнинг тузилиши одамларнинг муносиб ва осойишта яшаши учун, иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли ўтказиш ва мустаҳкамланиб бораётган демократик меъёрларни қўллаб-қувватлаш учун шароитни таъминлаш йўлида биргаликдаги саъй-ҳаракатларнинг асоси бўлур эди.

Эътиборингиз учун ташаккур. Саволларга жавоб қайтаришга тайёрман.

УМИДБАХШ РЕЖАЛАР

Хўжайикон туз кони заҳираси бойлиги, таркиби софлиги, ва қайта ишлаш харажатларининг озлиги жиҳатидан Деновдаги ноёб хазиналардан биридир. Бу ердаги туз заводи шу йилнинг ўзидаёқ 51 минг тонна маҳсулот бериши керак. Корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, ҳар йили 140 минг тонна ош тузи олинади. Бу эса республиканинг шу зарур ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришда муҳим аҳамиятга эга. Тошкентдаги маҳаллий саноат давлат корпорацияси ош тузи солинадиган 700 граммлик, 1 ва 50 килолик махсус қоғоз халталари тайёрлаб бермоқда. Хўжайикон ёрлиғи ёпиштирилган ош тузи савдо дўконларига чиқарила бошлади.

Жамоа ўтган йили Осиёдаги бир қатор давлатларга техник туз сотиб, унинг эвазига олинган валютага чет элдан турли дастгоҳлар, асбоб-ускуналар харид қилган эди. Шу тариқа кон ва ош тузи ишлаб чиқарадиган завод замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланди. Сурхондарё вилоят маҳаллий саноат концерни бу йил ҳам Шимолий Қурияга 100 минг тонна техник туз сотишга шартнома тузган. Олинган даромад — 1 миллион 810 минг доллар кон ишларини янада ривожлантириш, ишчи-хизматчилар маошини ошириш, уларни ижтимоий ҳимоялашга ишлатилади.

Ч. ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

КУРКА БОҚИЛМОҚДА

Комсомолобод туманидаги «Андижон» ширкатлар уюшмасида курка боқилмоқда. Хўжалик ишбилармонлари Фарғона вилоятидаги Чимён паррандачилик фабрикасида бўлиб, Венгрия чорвадорлари билан ҳамкорликда йўлга қўйилган тажрибани ўрганиб келди. Ишни 400 дона 60 кунлик жўжа боқишдан бошлади.

Ҳар бир парранда кунига 150 граммдан омухта ем ва 1 килограммдан ҳўл беда истеъмол қилиб, 150 граммгача семирмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, курка тўла етилганда 40 килограммгача тош босар экан. Гўшт етиштиришда бу соҳанинг кони фойда экани маълум бўлиб қолди.

«Андижон»ликлар тажрибаси тумандаги бошқа хўжалик чорвадорларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири.

Ёзги таътил қандай ўтмоқда

БОЛАЛАР КЎНГЛИ ЎКСИМАСИН


Пойтахтимизнинг марказий хиёбони ёнида сўлим гўша бор. Уни «Мехржон» болалар боғи деб атайдилар. Бу ерда болалар ёзги таътил кунларида мароқли дам олиши учун қандай тадбирлар амалга ошириляпти?

Боғ директори Собит Маматов бу хусусда шундай дейди:

— Ёз мавсумига эрта тайёргарлик кўрганимиз туфайли боғимиз ҳозирдаёқ болалар билан гавжум бўлиб қолди. Ўйингоҳ, арғимчоқларда учиш ҳам бизда нисбатан арзон. Иқтисодий қийинчилик даври болаларимиз ҳаётида ўкинчга айланиб қолмаслиги лозим. Юнусобод, Миробод, Ҳамза туманлари билан шартнома тузганмиз. Шу туманларга қарашли оромгоҳлар болалари учун ҳар шанба ва якшанба кунлари махсус дам олиш дастурларини намойиш этяпмиз. Бундан боғимизга ташриф буюраётган бошқа болалар ҳам баҳраманд бўлмоқда, албатта. Боққа кириш бепул. Даргоҳимиз болалар учун ҳар доим очиқ. Уларга буюртма асосида мультфильмлар кўрсатилади. Вақт-вақти билан турли қўшиқ ва рақс дасталари, бахшн шоирлар цирк усталари ва дорбозлар таклиф этилади.

Боғда муқаймоқ ва яхна ичимликлар, қандолат маҳсулотлари билан савдо қилинмоқда.

Салима ҚИЛИЧЕВА,
ЎзА мухбири.



Чегарачилар

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ҲУДУДИДАН

ФОТОРЕПОРТАЖ



Ҳизматнинг дастлабки ойлари оғир кечади. Буни ҳарбийда бўлганларнинг бари яхши билади. Ҳоҳлаганча ухлаб, ҳоҳлаганда уйғониш йўқ, истаса овқатланиб, истаса телевизор кўриш йўқ. Буларнинг ҳаммасига одатланиб қолган йигит учун армия тартибига тушиб олиш қийиндан қийин кечади.

Орадан вақт ўтиб йигит кўникади. Энди унинг учун армия тартиби оддий ҳолга айланади. Борган сари қаерда, нима учун ҳизмат қилаётганини ҳис қила бошлайди. Шижоатига шижоат, мардлигига мардлик қўшилади.

Армиянинг ҳамма турларини ўқиш, ўрганиш, ҳарбий тажрибани ошириш мактабига қиёсламоқ мумкин. Фақат чегарачиларгина бундан мустасно. Улардан ҳизматнинг илк кунидан то охиригача сергаклик ва ҳушёрлик талаб қилинади. Елкаларида чуқур масъулият ҳис қилиб постда турган суратдаги бу йигитлар Ўзбекистон билан Афғонистоннинг оралиғи — Амударёдаги чегарамизнинг назоратчилари. Улар ҳизматларини аъло даражада ўтаб, барчага намуна бўлиб келмоқдалар.

СУРАТЛАРДА: кеманинг назорат постида матroслар Анвар Исамуҳамедов ва Владимир Медведовлар (юқорида): матрос Ғайрат Холиқов.

И. ХЎЖАЕВ суратга олган (ЎзА).

«ОДДИЙ МАРИЯ» ТЕЛЕТУРКУМИДА БОШ РОЛЬ ИЖРОЧИСИ ЎЗИ ВА ЎЗ ИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ

Мексикада уни ғоят истеъдодли, ёш бўлишига қарамай ҳозирдаёқ тажрибали, томошабинлар севган актриса деб ҳисоблайдилар. Ҳозир маҳаллий аҳоли Виктория РУФФО аёл бош ролини ижро этган, танқидчиларнинг таҳсинига сазовор бўлаётган «Тантиқ» теленовеллани маҳлиё бўлиб томоша қилишаяпти.

Бу туркумни суратга олиш бир ой муқаддам поёнига етди, Викториянинг ҳам бўш кунлари бошланди. Шу кунларда ҳаётини Мехиконинг ғоят салобатли туманларидан биридаги баланд қаватли уйининг икки қаватидаги хонадонда мамнуният билан ўтказмоқда. Барча деворларга ўрнатилган катта кўзли ромлардан улкан шаҳарнинг манзараси кафтдек кўзга ташланади. Виктория ўзи туғилиб ўсган шаҳарга тикилиб, елкаларини қисганича саволимга жавоб беради:

Виктория Руффо:

«Барчангизни қучаман»

— Йўқ, бу ўринда қариндошуруғлар даҳлдор эмас. Менинг ўзим олти ёшимда актриса бўлишга қарор берганман. Онамга бу ҳақда ҳамма вақт гапириб келардим. У уй бекаси, отам эса заводда бошқарувчи эди. Бувамнинг таъсири бўлган бўлса керак. Бувам журналист бўлган ва ғоят таниқли комиклар учун кичик ҳажвий пьесалар ёзган.

Ун тўрт ёшимда мактабда ўқишни давом эттириш билан бирга театр студиясига бордим. Мактабда фанлардан ёмон баҳолар олардим, чунки актёрлик машғулотлари бутун вужудимни ўзига қамраб олганди. Онам билан ўртамиздаги жиддий гап-сўздан кейин ҳаммаси тугади. Бир куни: «Онажон, биз мактабга нега беҳудага пул сарфлаяпмиз? Барибир актриса бўламан. Келинг, яхшиси театр, вокал, рақс билан жиддий шуғулланай», — дедим.

Студияда шуғуллана туриб, дастлаб телевидениенинг реклама учун олинадиган ролларида суратга туша бошладим. Кейин сурат новеллаларда — бу бизда катта оммавийлик касб этган суратларда акс этган тарихлар. Шундан кейин кинода ишладим, теледастурдан бирида олиб борувчи бўлдим ва ниҳоят телетуркумдан ўзимнинг биринчи ролимни олдим.

— Бундан кейингиларидан хабардорман. Сиз ўнлаб теленовеллаларда, бешта кинофильмда ва икки театр спектаклида ўйнагансиз. Сиз учун қайси роль ниҳоятда қизиқарли ёки эҳтимол, жуда муҳим бўлган?

— Биринчи ўринга «Ёввойи ҳайвон боласи» туркумида ижро этган ролимни қўйган бўлардим. Бу менинг теленовелладаги биринчи бош ролим бўлган. Иккинчи ўринга эса «Оддий Мария»ни қўяман, ундаги сюжет, бош қаҳрамон жуда-жуда ёқади менга. Менқандай ўйнаганимни эмас, балки сценарий бўйича бу қандай роль эканлигини назарда тутаяпман.

— Мария сизни нимаси билан мафтун этади?

— Ҳамма томондан. Унинг одамлар қаторига қўшилиши, ўз ўрнини топиши ва ғалаба қозониш истаги катта ҳурмат-эътиборга лойиқдир. Ахир Мария қишлоқдан чиққан, ўқиш имкониятига эга бўлмаган типик ҳинду қизи. Лекин у пойтахтга келиб қолади ва катта шаҳарларда тўпланган барча ёмонликларга дуч келганда ҳам руҳан тушкунликка тушмайди. У курашади, унга жуда оғир бўлса ҳам, омилкорлик ва қатъиятлик кўрсатади.

— Уни ижро этиш осон бўлдими!

— Энг мураккаблиги туркумнинг бошланишида тўғри руҳ топиш бўлди. Аввало нутқи ва имо-ишоралар ифодасини назарда тутмоқдаман. Вилоятлик индеец қизлари сингари ўзни шундай содда тутиш ва гапириш лозим эди. Бироқ, шу билан бирга: вой, қаранглар, у қанақа ғалати гапираяпти, деб томошабинларнинг кулгисини қистатмаслик ҳам лозим эди.

— Сизга, телетуркум — бу актёрлар учун ўйнаш жуда қийин эмасдек туюладими! Театр ва кино, эҳтимол, мураккаброқ...

— Бу санъатнинг мутлақо бошқа-бошқа соҳалари ёки уларнинг ҳар бири ўзича ишлашни тақозо этадиган жанрлар. Масалан, теленовелла актёрдан ролга жуда тез киришишни, дақиқали ҳозиржавобликни талаб қилади, чунки кунига ўнтагача турли саҳналар суратга олинади. Бир неча соат мобайнида юз марталаб қайта ечиниб-кийинишларни айтмаганда ҳам кулишингга, йиғлашингга, ёмон кўришингга, севишингга, оғир руҳий кайфиятга киришингга ва шодлигингдан сакрашингга тўғри келади.

— Уларни ўзингиз ҳам кўрасизми!

— Шунга имконият бўлганда кўраман. «Оддий Мария» телетуркумини кўрганим йўқ, чунки суратга олишимиз билан орадан бир кундан кейин туркум эфирга чиқарилди. Эрталаб соат еттидан то кечаси ўн иккигача ишлашга тўғри келарди. Куч фақат уйга етиб келишга ва тўшакка таппа ташлашга етарди.

Умуман, телетуркумлар менга ёқади. Уларни оддий томошабин сифатида кўришга ҳаракат қиламан. Қаҳрамонлар билан бирга қайғураман, эҳтимол, ҳатто ошириб ҳам юбораман. Масалан, ҳозир ўзим ўйнаган «Тантиқ»ни кўраяпман.

— Экранда ўзингиз ўзингизга ёқадими!

— Жуда камдан-кам ҳолда. Кўпинча ўзимга: «Нега бу имо-ишорани қилдинг? Нега шундай гапирдинг? Ахир мен ипакойим тарафдори эмасман-ку?» — дейман. Мен учун ўзимдан зиёд қаттиқ ҳакам йўқ.

— Бизда теленовелани кўришаяпти, танқид ҳам қилишаяпти. Бу ҳаддан ташқари юзаки, ҳатто жўн деган фикрлар ҳам бор...

— Менимча, теленовелла — бу аввало ўйин-кулги. Кимдир кўрганидан ўзи учун қандайдир сабоқ чиқариши ёки умидбахшлик қувватини олиши, албатта, истисно эмас. Бу соз, лекин мен теленовелланинг бош вазифаси ўйин-кулги, аниқ қилиб айтганда эса, турмуш ижир-чижирларидан, кундалик муаммолардан диққатни четга тортиш деб ўйлайман. Қишилар бир соат кўрганларидан кейин унда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ишонсалар, уларга ҳам яхши. Уларга камбағал, бахтсиз инсон, ажойиб бир кун келиб бой, ғолиб бўлиб қолишини кўриш ёқади. Оддий томошабин дарров ўзини унинг ўрнига қўяди. Бола сингари ўзининг мультигини кўради ва унинг қаҳрамонларига ўхшашни истайди.

— Сиз ҳаётда тез-тез умидсизликка тушганмисиз! Либ чиқишига шубҳаланганмисиз!

— Йўқ. Мутлақо. Зухенио студияга, онасининг олдига тез-тез келиб турарди. У ҳам актёр ва теледастурлардан бирида ишларди. Бизнинг гримхонамиз умумий бўлган. Зухенио менга, мен эса унга қараб-қараб қўярдик. Биз ҳатто хатлар ёзишиб ҳам турардик, лекин кейинчалик иш юришмади, суратга олиб бўлингандан кейин бироз вақт ўтгандан сўнг, умуман кўришмадик. Кейин яна студияда учрашдик, шундан кейин тез-тез кўришадиган бўлиб қолдик. У ажойиб кунлардан бирида менга муҳаббат изҳор қилди. Бу устунлар тепасида бронза фариштa ўтирган шаҳарнинг марказий шох кўчасидаги ресторанда кечки овқатдан кейин содир бўлганди.

— Бунинг учун яна ҳам қулайроқ жой топса бўлармиди!

— Мен ҳам ўзимга ана шу саволни бераман, чунки эрим билан менинг ғоят омадим келган. У — ижодкор, истеъдодли, ҳаракатчан инсон, менга ғоят эътибор билан қарайди. Ҳозир Зухенио пьеса ёзмоқда. Ана шу пьесасида мен учун қувноқ роль ажратган. Унинг ўзи ажойиб комик актёр. Бирга яшаётганимиздан буён ўтган икки йил мобайнида ундан кўп нарсани ўргандим.

— Уйда у сизни зериктириб қўймайдими!

— Э, йўқ. Биз иккаламиз, эндиликда эса ўғлим билан учаламиз қоламиз. Бизнинг дўстларимиз жуда кам, уларни бир қўлнинг бармоқлари билан санаб чиқиш мумкин. Биз улар билан баъзан кегельбан ўйнаб кўнгил очишга жўнаймиз.

— Сизда муаммо юзага келганда бирор бир кимса билан маслаҳатлашишда кимга мурожаат этасиз!

— Ҳозир эримга мурожаат этаман, аввал эса, барча муаммоларни биз сингилларим билан муҳокама қилардик. Ҳозир ҳам шундай қилишни давом эттираяпмиз. Биз уч опасингилмиз. Улардан тўнғичи мен. Биз бир-биримиз билан ғоят яхши муносабатдамиз. Бир-биримизга кўмаклашамиз. Яна бир қозонда овқат пиширамиз — телевидениеда, шунинг учун бизнинг нималар ҳақида гапирадиган гапларимиз бор. Синглим Габриэла ҳам актриса ва ҳозир бир неча теледастурни олиб бораяпти. Марсела эса эшиттиришларни эфирга чиқариш билан шуғулланади. Буларнинг ҳаммаси онамизга жуда-жуда ёқади, биз тўрталамиз ширин мулоқотда бўламиз. Отамизга телемуаммолар унчалик қизиқ эмас. Бунинг устига-устак ота-оналар биз гўдаклик пайтимизда ажралишган.

— Афтидан, ўғлингиз келажакда касб танлашда алоҳида ташвиш тортмаса керак... (Шу пайтда энагаси кўтариб турган Хосе-Эдуардо меҳмонхонанинг иккинчи бурчагида турган пианинога қўлларини чўзишга ҳаракат қилади).

— Ҳозирча у касал бўлмай ўсишини, спорт билан шуғулланишини истайман. Яна унинг ҳаётда яхши одамлар, соғлом, иллатсиз одамлар қуршовида бўлишини истайман.

— Сизнинг ҳам иллатингиз борми!

— Биргина иллатим — сигарета чекиш. Эримнинг ибратидан илҳомланиб ташлашга уринаяпман. У чекмайди ҳам, ичмайди ҳам.

— Мамлакатимиз тўғрисида нималарни биласиз!

— Ҳозирча ҳеч нимани. Сизда «Оддий Мария» туркуми кўрсатилаётганлигини бир ой муқаддам дугонамдан билиб қолдим. У қўнғироқ қилиб, буни телевизор орқали эшитганлигини айтди. Дунёда яна бир бурчак пайдо бўлганлиги, у ерда бизнинг ишимизни кўришлари ва баҳолашлари жуда ёқимлидир. Туркум сизнинг томошабинларингизга ёқишини, мен суратга олишларда қатнашганимда роҳатланганимдек, улар ҳам роҳатланишларини истардим.


Валерий КУЧЕРОВ,
«Труд» ўз мухбири.
(«Труд», 5 июнь 1993 йил).

1414 ҳижрий йили бошланди

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ёш Ислом жамоасини ҳимоя қилиш, динни оммалаштириш ва жорий этиш мақсадида мелодий 622 йили Муҳаррама ойининг биринчи куни Маккадан Мадинага ҳижрат қилганлар. Пайғамбаримиз Ҳазрати Абу Бакирнинг уйига кетишни ҳеч кимга билдирмай, кечаси эҳтиёткорлик билан ҳижратни бошлаганлар.

Шундан ҳам Ислом дунёсида мана шу муқаддас айёмдан бошлаб Янги йил яъни Ҳижрий йил бошланган.

Бинобарин, бу йил ҳисоби 1414 йилдан бери буддавийларнинг Нужумий ва насронийларнинг мелодий йили ҳисоби қаторида яшаб келмоқда, ундан фойдаланмоқдамиз.



ҲОЖИОНА

ХАЛҚИМИЗНИНГ СЕВИМЛИ ҲОФИЗАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ОЛМАХОН ОПА ҲАЙИТОВАНИ ЕРУ ДЎСТЛАРИ, ЯҚИНЛАРИ БУГУН ШУНДАЙ АТАМОҚДАЛАР. БОИСИ...

КЕЙИНГИ БИР-ИККИ ой ичида опа катта саҳналарда кўринмай қолган эди. «Ойнаи жаҳон»да онда-сонда илгаридан ёзиб олинган ва хазинада сақланаётган қўшиқларининг намойишини ҳисобга олмаганда шундай эди. Шунда опанинг хонадонига қўнғироқ қилдик.

— Опам зиёратга, ҳажга кетувдилар. Куни-кеча қайтиб келдилар, — деди телефон дастасини олган жажжи қизалоқ. — Энди Ҳожиона бўлганмишлар, — қўшимча қилди болаларга хос соддалик билан.

— Оғалар, омонмисизлар, — деди бизнинг қўнғироқ қилаётганимизни билиб телефон дастасини олган Олмахон опа. — Сизларни уйда кутаман. Бор гапни неварам айтиб қўйди.

Фурсат топиб опаникига ўтдик. Ҳовли тўла меҳмон. Қозонлар, чойлар қайнаб турибди. Ҳовлида чолғу асбобларини чертиб ўзича хиргойи қилаётган болакайларнинг шўх-шодон гуруҳи. Шу пайт остонада ҳожиона истиқболга пешвоз чиқди. Билганимизча расм-русмла опа билан кўришган, тавоф қилган бўлдик. Меҳмон тўла уйлардан бирига кирдик. Ҳол аҳвол сўрашгач, ҳожиона шарқона чойнак хонинг биридан чой ўрнига сув қуйиб узатдилар. Билсак, бу Маккатиллодан келтирилган оби зам-зам экан. Ният қилиб сипқордик. Сўнгра бир пиёла чой устида Олмаҳон ҳожионанинг зиёрат таассуротларига қулоқ тутдик.

— Таассуротларим бир олам, — деди опа вазмин оҳангда. — Мустақиллик шарофати билан бу муқаддас юртга кўплаб ҳамюртларимизнинг қадами етадиган бўлди. Шукроналар бўлсинким, минглаб юртдошларим қатори мен ҳам мусулмончиликнинг бешта фарзларидан бири бўлган ҳаж рукнини адо этиш бахтига муяссар бўлдим. Минг қатла шукр. Зиёратимиз ёмон ўтмади. Қийинчиликларга дуч келган онларимиз ҳам кўп бўлди. Илгари зиёрат қилиб келганларнинг айтишларига қараганда, олдинги сафарларда ташкилий масалалар бирмунча яхши бўлган экан. Бироқ бошқаларни билмадиму, шахсан мен қийинчиликларни писанд қилмадим. Ахир айтадиларку, ҳажнинг қоидаларидан бири ҳам шу. Азоб кўрмасанг, ташвиш тортмасанг, қийинчилик кўрмасанг, у ҳаж ҳаж эмас деб.

Оллонинг юртида туриб ният қилганларим бу — юртимиз кишиларига омонлик, ризқу-рўзларига тўкинлик, элбошимиз Ислом Каримовга куч-қувват, она Ватанимизга равнақ тилаш бўлди. Нега элимизга, юртдошларимизга омонлик тиладим. Чунки шу ёшга кириб, ҳозирги даражага эришишимда худди ана шу юртим, ватандошларим менга ҳамқадам ва ҳамқувват бўлишган. Муқаддас Арофат тоғи тепаликларида туриб қилган илтижоларим, ўйлаганларим шу бўлди. Зотан мен юртимнинг оддий ишчисини ўзга дунёнинг ҳар қандай давлатига алишмайман. Индоллоси, сен халқингни севмасанг, халқинг сени суймаса, бу фоний дунёнинг ҳеч қандай қизиғи ҳам бўлмаса керак...

Шу ерга келганда суҳбатимиз ҳам тўхтади, Опани йўқлаб, тавоф этгани яна меҳмонлар келишаётган эди. Ҳаж сафарингиз муборак бўлсин, Олмахон ҳожиона!

Сувонқул РУСТАМ.
СУРАТДА: Олмахон ҳожиона Хайитова.
Н. Муҳаммаджонов олган сурат.

Зиёрат

аҳвол сўрашгач, ҳожиона шарқона чойнак хонинг биридан чой ўрнига сув қуйиб узатдилар. Билсак, бу Маккатиллодан келтирилган оби зам-зам экан. Ният қилиб сипқордик. Сўнгра бир пиёла чой устида Олмаҳон ҳожионанинг зиёрат таассуротларига қулоқ тутдик.

— Таассуротларим бир олам, — деди опа вазмин оҳангда. — Мустақиллик шарофати билан бу муқаддас юртга кўплаб ҳамюртларимизнинг қадами етадиган бўлди. Шукроналар бўлсинким, минглаб юртдошларим қатори мен ҳам мусулмончиликнинг бешта фарзларидан бири бўлган ҳаж рукнини адо этиш бахтига муяссар бўлдим. Минг қатла шукр. Зиёратимиз ёмон ўтмади. Қийинчиликларга дуч келган онларимиз ҳам кўп бўлди. Илгари зиёрат қилиб келганларнинг айтишларига қараганда, олдинги сафарларда ташкилий масалалар бирмунча яхши бўлган экан. Бироқ бошқаларни билмадиму, шахсан мен қийинчиликларни писанд қилмадим. Ахир айтадиларку, ҳажнинг қоидаларидан бири ҳам шу. Азоб кўрмасанг, ташвиш тортмасанг, қийинчилик кўрмасанг, у ҳаж ҳаж эмас деб.

Оллонинг юртида туриб ният қилганларим бу — юртимиз кишиларига омонлик, ризқу-рўзларига тўкинлик, элбошимиз Ислом Каримовга куч-қувват, она Ватанимизга равнақ тилаш бўлди. Нега элимизга, юртдошларимизга омонлик тиладим. Чунки шу ёшга кириб, ҳозирги даражага эришишимда худди ана шу юртим, ватандошларим менга ҳамқадам ва ҳамқувват бўлишган. Муқаддас Арофат тоғи тепаликларида туриб қилган илтижоларим, ўйлаганларим шу бўлди. Зотан мен юртимнинг оддий ишчисини ўзга дунёнинг ҳар қандай давлатига алишмайман. Индоллоси, сен халқингни севмасанг, халқинг сени суймаса, бу фоний дунёнинг ҳеч қандай қизиғи ҳам бўлмаса керак...

Шу ерга келганда суҳбатимиз ҳам тўхтади, Опани йўқлаб, тавоф этгани яна меҳмонлар келишаётган эди. Ҳаж сафарингиз муборак бўлсин, Олмахон ҳожиона!

Сувонқул РУСТАМ.
СУРАТДА: Олмахон ҳожиона Хайитова.
Н. Муҳаммаджонов олган сурат.

Келгуси сонда:

● ШОДЛИК МАКТАБИ

● ДИЛ ЛАРНИ УЙНАТГАН ИККИ КУН.



ҚИЗИҚ САҲИФА ОЧИЛГАНДА.

Газета саҳифаланаётганда:

ШОИРА ҚИЗЛАР ГУРУНГИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бир гуруҳ ёш шоиралар тўпланди. Уюшманинг биринчи котиби, Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар даврида ижодни унутмаслик, мустақил ватанни улуғлаб, эзгулик туйғуси билан суғорилган асарлар яратиш ҳақида сўз юритди.

Шоиралардан Муҳайё Мирсаидова, Ойгул Убайдулла қизи, Ирода Саидова, Сафия Мингишева, Феруза Шодиева, Зарбуви Алқаровалар шеърларидан ўқиб берди. Уюшма ёш ижодкорлар билан ишлаш шўъбасининг раиси Маъруф Жалил ўқилган шеърлар хусусида фикр-мулоҳазалар айтди.

Уюшма ҳузурида шоира қизлар тўгараги ташкил этилиб, ҳар ойда икки марта машғулот ўтказиладиган бўлди.

С. ҚИЛИЧЕВА,
ЎзА мухбири.

«Бизда футбол йўқ, энди бўлади»

Эндигина ўтиргандик. Озод Пармонов ёшлар бўйича ҳоким муовини Шавкат Норқобиловдан сўраб-суриштирдилар:

— Бизда қанча йигит-қиз «Туркистон» газетасига обуна бўлган?

— 136 та!!

— Ўттиз мингли ёшлар орасидаги бу кўрсаткич жуда-да қониқарсиз. Маънавиятини, эртасини, юртини ўйлаган ҳар бир йигит-қиз «Туркистон»ни ўқимоғи шарт. Биз ёшларнинг севимли газетасига келгуси йил обунасида шу нуқтаи назардан ёндашамиз.

Ҳокимнинг зиёлинамо муносабати кўнглимни тоғдек кўтарди. Раҳмат айтдим. У киши бемалол гурунглашишга шароит яратиб бергандилар.

Суҳбатдошим ҳақида икки оғиз сўз. Озод Давронович ПАРМОНОВ Қашқадарё вилоятининг кўпгина бошқарув аппаратларида ишлаган. Икки ойки, Китоб туман ҳокими. Бир сўзли. Гапининг уддасидан чиқадиган раҳбар. Меҳнатсеварларни ҳурмат қилади. Ишчан. Дадил фикрли. У киши билан Китоб тумани футболи тўғрисида гаплашяпмиз.

— Бизда футбол йўқ. Катта футболни назарда тутяпман. Ёш-яланглар ҳамма жойдаям бир хил. Кўнгилхушлик учун тўп тепиб юришаверади. Уни энди футбол дейиш уят. 160 минг аҳолиси бор туманда катта бир стадион бўлмагач, тушунаверинг-да.

— Ўшандан бу ерликлар шароити бор жойларда ўйнашаётгандир-да?

— Ўз ишида учишни ўрганмаган қуш бегона уяда учолмайди. Биздагилар ҳам шу. На вилоят, на республика биринчилигида бирон-та футболчи қатнашмайди Китобдан. Командани қўяверасиз бу ёғига.

Яқинда футбол федерациясининг йиғини ўтди. Мени раис этиб сайладилар. Ҳамма ишларни — футболга оид муаммоларни кўриб чиқдим. Футбол халқ ўйини. Даладаям, қирдаям ўйналаверилади ўрни келса. Биз ана шуларни жамлайдиган иш қилмабмиз экан. Эртаиндин туманимизда катта бир стадион қурилади. Беш минг ўринли. Қум ўзимиздан чиқади, чим ҳам шу. Фақат бошқара билиш керак.

— Барибир шу юмушларгаям маблағ зарур...

— Туманимизда юздан ортиқ кичик корхона, тижорат дўкони бор. Яширмайман, унда ишлаётган тадбиркорлар деҳқонни еб ётибди. Фойдани олиб чўнтагини қалпайтираётган ишбилармонлар билан гаплашяпмиз. Спорт комплекслари, стадион, мактаб, касалхона, ҳаммом қурилишларини ўшалар бажаришади. Футболни оёққа турғазишниям. Бўладигани шу. Мен бу усулни Туркиядан ўрганиб келдим.

— Озод Давронович. Хабарингиз бор, республикамизда футболни ривожлантиришга эътибор кучайди. Вазирлар Маҳкамаси махсус қарор қабул қилганидан ҳам билса бўлади буни...

— Илгариги муносабат билан футболни жаҳонга олиб чиқа олмасдик. Бизнинг мустақиллигимизни хорижий давлатлар тан олишди. Улар футболимизниям тан олишларига эришмоғимизни таъминлайдиган қарор бу. Қолаверса, Ислом Абдуғаниевич вилоятимизда ишлаган чоғларидаям спортга, айниқса футболга муносабатлари яхши эди. Қаршидаги «Меҳнат» стадиони ҳам ўша маҳал қурилган. Бошқа жойлардаям.

— Ўзингизнинг шахсий муносабатингиз қандай футболга?

— Мен мактабимиз футбол командаси капитани эдим. Институтда ўқиган давримдаям, Ғузорда ишлаган чоғимда зўр эди: Команда тузиб олгандик. Ҳафтасига уч марта тўп сурардик. Ишдан кейин албатта. Милиция бошлиғими, прокурорми, футболга чиқарди.

— Ўша анъана Китобдаям давом этаркан-да?

— Бу ердаям ўйнаймиз. У ёғ-бу ёғимизни тартибга солиб олайлик. Футболга ихлосим баланд. Таниқли футболчилар Бирodар Абдураимов, Валерий Любушкинлар билан шахсий алоқам бор. Вилоятда ишлаб юрганимда уларни Қаршига таклиф қилганмиз. Қашқадарё футболи обрўсини кўтаришда Н. Люберцев, Т. Исоқовларнинг хизматлари кўп. Балки келгусида Китоб футболидаям шундай бўлар.

— Озод ака, ҳозирча қандай ишларни режалаштирганларингизни ҳам айтсангиз?

— Мавжуд стадионларни ускуналар билан таъминлаш шу йилги вазифамиздир. Келаси йилдан Ўзбекистон биринчилигига «Китоб» командасини тушириш ниятидамиз. Командани тузиш, маблағ, билан таъминлашни «Мевасабзавотсаноат» ва туман йўл қурилиш бошқармаси ўз зиммасига олган. Улар катта футболга ҳомийлик қилишади.

— Юқорида бизда футбол йўқ дедингиз. Шундай экан, иқтидорли болаларни топиш осон кечмас дейман?

— Яна қайтараман. Икки нафар бола тўп тепсаям команда ҳисобланиб кетаверилган. Мана, спорт қўмитаси берган маълумот. «20 та футбол командаси бор. 3900 киши футбол ўйнайди». Қуруқ гап бу. Қозоларда ўйналган футбол. Футбол мактаби, тўгарагиям йўғу.

Катта футбол мактабдан бошланади. Ясамаси керакмас, иқтидорларни топамиз. Олдин мактаб, кейин хўжалик, сўнг туман биринчиликларини ўтказамиз. Ўйин чоғида бўладигани сараланиб қолади. Шу тарзда келгуси йил командасининг пойдеворини яратамиз.

— Спорт ускуналарини топиш муаммоси-чи?

— Ҳозир бир дона тўп уч ярим, тўрт минг сўм туради. Бошқа жиҳозлар ҳам қиммат. Кичик корхоналарга бу пул гап эмас. Шунинг учун футболнинг оғирини тадбиркорларга юклаймиз, дедимку. Халқдан улар фойда кўрса бўлади-ю, халқ улардан фойдаланса бўлмайдими? Бўлади.

— Яна бир муаммога эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Спортга муносабат сусаяётган ёшлар ўртасида безорилик кучаяди, деган қарашлар бор...

— Ҳокимлик рўпарасида видеобар бор. Ҳар куни вағир-вуғур овоз келади. Одам юбордим. Суриштириб чиқишса мактаб ўқувчилари дарсни ташлаб, кино кўришяпти экан. Беҳаёлик, нос отиш, сигарет чекиш, ҳаммасини ўқувчилар ўзлаштириб олишган. Ўшаларга биз шароит яратиб, спортга жалб қилганимизда машҳур боксчи, футболчи, қиличбозу, курашчи чиқмасмиди? Ҳалиям кечмас. Уларни спортга тортишимиз керак.

— Онангизда спортни қадрлайдиларми?

— Биз ўн ўғил эдик. Ҳаммамиз бақувват. Спорт билан шуғулланганмиз. Ҳозирам шундай.

— Фарзандларингиздан бирортасининг футболчи бўлишини истармидингиз?

— Беш қиз, бир ўғлим бор. Лазиз менчалик футболни ўйнай олмайди. Ҳалиям ўзим зўр.

Ҳокимнинг очиқ кўнгиллигига тан бериб, хайрлашдик. Келаси йил «Китоб» командаси Ўзбекистон биринчилигида қатнашишига шуҳа қолмаганди.

Қурбон АЛИ,
«Туркистон»нинг ўз мухбири. Китоб тумани.

Бош муҳаррир: Жаббор РАЗЗОҚОВ.

Таҳрир ҳайъати: М.АБДУСАМАТОВА, А.АҲМЕДОВ *(бош муҳаррир ўринбосари)*, К.ЖУМАНИЁЗОВ, З.МАМАДАЛИЕВ, К.РАҲИМОВ, З.РИХСИЕВ *(масъул котиб)*, С.РУСТАМОВ.

Таъсис этувчилар:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ
ва
"ТУРКИСТОН" ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-56-57; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг сешанба, пайшанба, шанба кунлари чиқади.

Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахаонаси. Манзилгоҳи: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 00130. Буюртма Г — 285. 64402 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А—2. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.15 да